

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



2019



**ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ
НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**
Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”
Тармоқ маркази директори
Н.М.Эгамбердиева
“ _____ ” _____ **2019 йил**

**“ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили филологияси: ўзбек
адабиётшунослиги**
**Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари**

Тошкент – 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Б.Каримов, ТошДЎТАУ
“Адабиёт назарияси ва
замонавий жараён” кафедраси
профессори, филол фанлари
доктори

Такризчилар:

Л.Тошмухамедова - филология
фанлари номзоди, доцент
У.Жўрақулов – филология
фанлари номзоди, доцент

*Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Кенгашининг 2019 йил 28-августдаги 1-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	7
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	25
V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	65
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	66
VII. ГЛОССАРИЙ.....	69
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	78

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” милий кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жавраёнида адабиётшуносликнинг энг муҳим тамойиллари билан, дунё адабиётшунослигидаги етакчи методлар билан тингловчиларни таништиришни мақсад қилиб қўяди.

Замонавий адабиётшуносликдаги энг муҳим илмий-назарий масалалар, мустақиллик даври адабиётшунослигидаги ўзига хос янгиланишлар мазкур курсни кун тартибига келтириб қўяди.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини адабиётшуносликнинг энг муҳим методологик асослари, бадиий асарга ёндашув усулларига доир билимларини кенгайтириш, шунингдек, ушбу фан доирасида уларда кўникма ва малакаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

Модулнинг вазифалари:

- адабиётшуносликнинг филологик таълимдаги ўрни ва айрим муаммоларини талқин қилиш;
- илмий-адабий тафаккурдаги янгиланишларни таҳлил этиш;
- тингловчиларда энг зарурий илмий методларни амалиётда амалда қўллаш;
- адабиётшунослик методларини аниқ бир бадиий асар талқинига

татбиқ этишга ўргатиш;

- янги давр адабиётшунослиги олида турган энг долзаарб масалаларни муҳокама қилишга ўргатиш;

- тингловчиларда адабий-илмий баҳс-мунозара маданиятни шакллантириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **ТИНГЛОВЧИ:**

- ҳозирги замонда фаннинг образи, фан тараққиётининг асосий босқичлари ва функциялари, фан тараққиётига оид ёндашувларни билиши; муаллифга тегишли услублар тамойиллари ва бадиий асар шаклига доир ёндашувларни; дунё адабиётшунослигидаги энг самарали методларнинг индивидуал хусусиятларини; замонавий ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигидаги янгиланиш жараёнларини **билиши лозим;**

- бадиий асарнинг шакл компонентларини талқин қилиш; адабиётшунослик методлари асосида бадиий асарларни таҳлил қилиш; бадиий матнда муаллиф ва образ муносабатини аниқлаш; бадиий асарни тушуниш ва тушунтириш; адабий талқинга доир дунё адабиётшунослигидаги етакчи методларни қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши лозим;**

- адабий контекст ва шаклга доир методларининг асосий тамойилларини ажрата олиш:

- бадиий тасвир воситаларининг матндаги ўрни ва вазифасини аниқлаш; бадиий асар талқинида шаклий унсурларни фарқлаш; бадиий асарга ёндашувда дунё адабиётшунослигининг илғор методларини қўллаш; адабий талқинда герменевтик доирадан фойдаланиш; бадиий асарни психологик, психоаналитик методлар асосида баҳолаш **малакаларига эга бўлиши зарур.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари” модули ўқув режасидаги мумтоз поэтик асарлар таҳлилида замонавий усуллар, ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари, нутқ санъати модуллари билан боғлиқликда ва узвийликда амалга оширилади.

Модулнинг андрагогик таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларини адабиётшуносликнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Ўқув юкلامаси (соат)		
			Аудитория ўқув юкلامаси		
			жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Филологик таълимда адабиётшунослик методологиясининг ўрни ва методлар таснифи	2	2		
2.	Адабиётшунослик методлари таснифи	2		2	
3.	Бадиий асар муаллифига тегишли методлар ва уларнинг назарий асослари	2		2	
4.	Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари	2		2	
5.	Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари	2		2	
6.	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги газета-журналлар таҳрири	2			2
	Жами:	12	2	6	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Филологик таълимда адабиётшунослик методологиясининг ўрни ва методлар таснифи

Филологик таълимнинг ўзига хос таркибий қисмлари. Адабиётшунослик объекти ва таркиби. Унинг объекти бадиий асар, ижодкор, назарий асарлар адабиёт тарихига доир тадқиқотлар, адабий-танқидий асарлар эканлиги; адабиётшунослик методлари мазкур фаннинг таркибий қисми сифатида, адабиётшунослик мактабларини ҳам шу фан доирасида ўрганиш лозимлиги. Адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари курсида метод ва методологик хусусида фикр юритиш зарурати

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Адабиётшунослик методлари таснифи

Бадий асарга ёндашув усуллари – методлар таснифи:
1. Социологик. 2. Гнесеологик. 3. Тарихий-маданий. 4. Қиёсий-тарихий.
5. Биографик. 6. Ижодий-генетик. 7. Онтологик. Адабиётшуносликда талқин йўлларининг кўплиги, ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари.

2-амалий машғулот: Бадий асар муаллифига тегишли методлар ва уларнинг назарий асослари.

Биографик методнинг талқин имкониятлари. Ижодкор ҳаётидаги маълум бир воқеа-ҳодисалар унинг ёзган асарларида қайсидир тарзда ўз аксини топиши. Биографик метод ва ўзбек адабиётшунослиги. Психологик методнинг ўзига хос хусусияти энг аввало, психология фани билан боғлиқ эканлиги. Бу методда нафақат бадий асар қахрамонлари руҳияти, психологияси, балки муаллиф руҳиятини ҳам қиёсий ўрганиш жоизлиги.

Психоаналитик ва феноменологик методларнинг инсон руҳияти билан боғлиқлиги.

3,4-амалий машғулот: Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари

Адабиётшуносликдаги формал метод бадий, шаклий-композицион унсурларга энг муҳим назарий-эстетик категория сифатида қараиши; бадий адабиётнинг индивидуал хусусияти шаклда ўз ифодасини топиши, деган фикрни илгари сурилиши; социологик метод билан иш кўрадиган адабиётшунос бадий адабиёт билан ижтимоий ҳаёт, бадий воқелик билан реал ҳаётини воқелик орасини тадқиқ этиши; структурал-анализ методининг асослари ва намояндалари; структурал-анализ методининг имкониятлари; маданий-тарихий, қиёсий-тарихий, социологик ва бошқа методларнинг бевосита бадий асар мазмуни ҳамда матнни талқин этиши; контекстни интертекстуал анализ қилиш масаласи.

Мустақиллик дари адабиётшунослигида янгича методларга диққат қаратилгани. Метод агар муайян танланган илмий-тадқиқот йўли экани, унинг ички таркиби. Объектга ёндашувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик усуллари тушунчасини ойдинлаштириш. Объектга тарихий, миллий, умуминсоний, мустақиллик ғояси нуқтаи назаридан ёндашув масаллари муҳокамаси.

Кўчма машғулот.

1-кўчма машғулот. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги газета-журналлар таҳрири

1. Ёзувчилар уюшмасининг нашрлари билан танишиш. 2. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари таҳририятида учрашув. 3. “Жаҳон адабиёти” журнали ходимлари билан суҳбатлашиш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва

семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

“Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“ФСМУ” методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қийслаш орқали

ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили катнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки катнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклифи этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доираларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “якка баҳо” колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1- Назарий машғулот: Филологик таълимда адабиётшунослик методологиясиниг ўрни ва методлар таснифи

Филологик таълимнинг ўзига хос таркибий қисмлари. Адабиётшунослик объекти ва таркиби. Унинг объекти бадиий асар, ижодкор, назарий асарлар адабиёт тарихига доир тадқиқотлар, адабий-танқидий асарлар эканлиги; адабиётшунослик методлари мазкур фаннинг таркибий қисми сифатида, адабиётшунослик мактабларини ҳам шу фан доирасида ўрганиш лозимлиги. Адабиётшуносликнинг назарий-методологик асослари курсида метод ва методологик хусусида фикр юритиш зарурати

Адабиётшунослик методологиясида қуйидаги факторлар муҳим саналади:

- аввало бадиий асар бўлиши лозим. Бунда адабий жараён ва унинг қонуниятлари ёки бадиий асар ва унинг хусусиятлари тадқиқ этиши;

- адабиётшунослик методологияси замонавий адабиёт тажрибасига таяниши;

- методологияда муайян дунёқараш устивор бўлиши; шу дунёқараш воситасида объекти тадқиқ қилиниши.

- адабиётшунослик методологияси бошқа фан соҳаларининг ютуқларига суяниши; социология билан алоқадорлиги; матн ритмикасини ўрганишда, статистик улулда табиий фанлар билан боғланиши.

Айрим адабиётларда бадиий асарга ёндашув усуллари-методлар қуйидагича тасниф қилиниши:

1. Социологик ёндашув;
2. Гнесеологик ёндашув;
3. Тарихий-маданий ёндашув;
4. Қиёсий-тарихий ёндашув;
5. Биографик ёндашув;
6. Ижодий-генетик ёндашув;
7. Онтологик ёндашув.

Адабиётшуносликда талқин йўлларининг кўплиги, ҳар бир методнинг ўзига хос хусусиятлари.

Мавзу режаси:

1. Филологик таълимнинг икки йўналиши;
2. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларига доир муаммолар;
3. Адабиётшунослик учун методологиянинг қиймати.

Калит сўзлар:

Адабиёт, адабиётшунослик, метод, методология, тилшунослик, социолингвистика, ижод психологияси, структура, эстетик дид, ижодий метод ва илмий метод масаласи

Техник жиҳозлар ва кўрғазмали воситалар:

Маъруза бўйича тайёрланган слайдлар, нашр этилган манбалар ва илмий адабиётлар.

Маърузада қўлланилган методика (пед.технология):

Ақлий ҳужум, БББ методлари.

Мавзунинг долзарблиги:

Филологик таълимнинг кадр-қийматини, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини, бошқа фанлар билан алоқасини ҳамда ўзаро ички таркибини англашга зарурати бор. Адабиётшунослик ва тилшуносликнинг ўзаро муносабати хусусида. Мазкур мавзу ўқитилишида филологик соҳадаги илмий-назарий муаммоларга алоҳида урғу берилади. Бошқа фанлар билан алоқадорлигини таъкидлаш, мисоллар келтириш ва давр билан боғлаш мавзунинг долзарблигини англатади.

Мавзуни амалиёт билан боғлиқлиги:

1. Филологик таълимнинг жамият ҳаётидаги ўрнини аниқлаш учун зарур.
2. Олий ўқув юртларининг муаллимлари ўзлари таълим бераётган филологик соҳани аниқ бир тизим сифатида ангалши керак.
3. Адабиётшунослик методологияси ва методларини адабиётшуносликнинг таркибий қисмига киритиш тавсия этилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Филологик таълимдаги долзарб муаммолар нималарда кўринади?
2. Ўзбек филологиясининг тарихи ва умумий ҳолати ҳақида қандай тасаввур мавжуд?
3. Ўзбек филолог олимларининг дунё илм-фанидаги ўрни тўғрисида қандай қарашлар бор?

Адабиётшуносликда тутгани ўрни Адабиётшуносликда методология бўлиши мумкинми? Фаннинг қайсидир тармоғининг методологияси хусусида гапириш шартми? Методология тушунчаси фақатгина борликни фалсафий билишга, янада аниқроғи диалектик материализмнинг ўзигагина тааллуқли эмасми? Ўтган асрда адабиётшунослар орасида шундай саволлар майдонга қўйилган ва уларга турли жавоблар берилган. Махсус бир фан учун алоҳида олинган методология йўқ, у фанлар ҳақида гап кетганда муайян методлар борасида фикрлаш маъқулдир, деган қарашлар ҳам бўлган. Қайси бир олим айнан шундай, яъни методология тушунчаси фақатгина фалсафий-мантикий моҳият касб этади, муайян фанга доир методология устида сўзлаш ортиқчадир, деган фикрни айтади. Кўпчилик олимлар муайян фан соҳасида учун алоҳида

олинган методлар мажмуасига айнан ўша фан методологияси тарзида қарайди. Бунда махсус фан соҳасига доир методлар илмий-фалсафий билиш принциплари фонида олинади. Ўтмишда адабиётшунослик методологиясига ҳам шу нуқтаи назардан қаралди. Адабиётшунослик методологиясининг умумий илмий методология (диалектик материализм) билан алоқасига асосий ўринга чиқди.

Адабиётшунослик методологиясининг объекти хусусида баҳс борар экан, уни айнан адабиёт назарияси билан бир хил эканини даъво қилганлар ҳам бўлди. Аслида адабиётшунослик методологияси билан адабиёт назарияси орасида фарқ бор. Буни англаш лозим. Зотан адабиёт назарияси адабиётшунослик методологиясини қамраб ола билмайди. Гарчи ўзаро мустақкам боғланиш бўлса-да, уларга назарий адабиётшуносликнинг икки аспекти сифатида қараш керак.

Юқорида айтиб ўтилгандек, адабиёт назарияси бадиий ижоднинг қонуният ва категориялари билан шуғулланади. Адабиётшунослик методологияси эса ўша қонуният ва категорияларни бошқарган ҳолда улар асосидаги илмий тадқиқот усулининг аниқ бир тарихий-адабий жараёндаги тамойилларини белгилайди.

Олимларнинг қарашларида мазкур икки тармоқни ажратиш, уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун дунё адабиётшуносларининг мулоҳазаларига мурожаат этиш бор. Жумладан, А.С.Бушман немис олими М.Верли фикрларига таянган ҳолда умумий адабиётшунослик тушунчасини қўллаш жоизлигини айтади. Шунда адабиётшуносликнинг назарий жиҳатини - адабиёт назарияси ва адабиётшунослик назарияси (методологияси) тарзида ажратишга имкон туғилади, деган фикрни илгари суради.

Адабиётшунослик назарияси - методологиясини муайян бир адабий-илмий муаммонинг қандай ҳал этилиши мисолида адабиёт назариясидан яхшигина фарқлаб олиш мумкин. Маълумки, адабиёт тарихи ҳам адабиётшуносликнинг таркибий қисми саналади. Аммо ўз вақтида адабиёт тарихи фани нима билан шуғулланмоғи керак? Бадиий асарлар тарихи биланми? Адабий қарашлар тарихи биланми? Ижодкорнинг таржимаи ҳоли тарихи биланми? Адабий шакл ва маҳорат тарихи биланми? Адабий оқимлар тарихи биланми? деган бир қатор саволлар кўндаланг бўлган. Тўғриси, адабиёт тарихи буларнинг ҳаммаси билан шуғулланмоғи керак. Бироқ бу муаммоларнинг қай бири муҳим,

қандай кетма-кетликда тадқиқ этиш лозим, қайси бири биринчи ёки иккинчи даражали? Бу саволларга, албатта, бадий адабиётнинг нисбатан ички дунёси билан машғул бўлувчи адабиёт назарияси жавоб бера билмайди. Айнан шу ўринда адабиётшунослик методологияси иш беради, шу ўринда методология ишлайди. Бунда адабиёт назарияси адабиётшунослик методи ва методологиясининг ёрдами - воситасида ўзининг объектига тўғри йўналиш олади. Адабиётшуносликнинг бу икки ички таркибий қисмларининг ўзаро мустақкам алоқадорлигини шундан ҳам билса бўлади. Адабиётшунослик методологияси умумий фалсафий методология-диалектик материализмдан (гарчи унинг қамровида иш кўрса ҳам) ўз спецификасига, специфик методига кўра ҳам фарқланади. Чунки адабиётшунослик тарихида бадий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик каби қатор ёндашув усуллари ишлаб чиқилган. Шунга асосланиб тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда эса бу ёндашув усуллари (методлар)нинг сони, салмоғи янада ортди. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, дунё адабиётшунослигида психоаналистик, структурал, экзистенциал, лингвопоэтик, фенемологик каби бир қатор методлар мавжуд. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу методлардан биронтасини ортиқча бўрттириш (вульгарлаштириш) ёки яқин ўтмишда бўлганидек «буржуа адабиётшуносларининг методлари» сифатида асосиз танқид этиш ўринсиздир. Ҳар бир методнинг ўз назариясига, ўз тарихи, ўз тадқиқот усули, ўз мухлислари ва айниқса барчага баравар бўлган объекти борлигини эсан чиқармаслик лозим.

Методология оламни фалсафий билиш, инсон дунёқараши билан боғлиқ, метод эса объект устида ишлаш жараёни, қўполроқ қилиб айтганда техник жиҳат билан боғлиқ жараёндир. Барибир адабиётшунослик методологияси, деганда методлар, илмий усуллар, ёндашувлар, манбани техник жиҳатдан уюштириш ва талқин этиш йўллари тушунилади. Методлар фан соҳасидаги шундай бир қурилмаки, ундан турли методологик йўналишдаги олимлар ўз мақсадларига етишлари учун ўз хоҳишларича фойдаланишлари мумкин. Методология тадқиқотчига йўналиш беради. Илмий тадқиқотнинг қандай метод асосида бажаришга ориентация беради. Методлар нисбатан нейтрал бўлиб қолиши мумкин. Яъни илмий билишдаги муайян метод икки хил дунёқарашли, икки хил

методология билан қуролланган тадқиқотчида нисбатан нейтрал ҳолича қолаверади. Методлар-шундай техник ускунаки, ҳар бир тадқиқотчи ундан ўз мақсадига эришмоқ учун ўзича фойдаланади.

Ҳар қандай адабиётшуносликка оид тадқиқотда устивор ва индивидуал методларни фарқлай олиш жоиз. Зотан улар аниқ илмий вазифа қаршисида ўзларининг ўринларини бошқаларига алмаштиришлари ҳам мумкин. Устивор (генерализующий) метод асосан тарихий-адабий жараён тадқиқида қўлланилса, нисбатан индивидуал метод ижодкорнинг санъаткорлиги ва услубини текшишга жорий қилинади.

Ю.Б.Борев метод тушунчасига фикрлаш усули (способ мышление), методология тушунчасига метод назарияси (теория метода), методика тушунчасига методнинг хусусий приёмлари системаси-тизими тарзида қарайди.

Методологик жиҳатдан шу назария маҳсулдорки, унинг қурилмаси-констдукциясида қўлланилаётган назария билан қузатилаётган объект орасида симметрик ҳолат бўлиши керак. Метод шу симметрик асосни ташкил этади. Бунда метод фан ва воқелик, таҳлил ва факт, назария ва амалиёт, концепция ва эсприментал маълумотлар оралиғини эгаллайди.

Адабиётшунослик методологиясида қуйидаги факторлар муҳим саналади.

1. Аввало бадий асар бўлиши лозим. Адабиётшунослик методи асосида адабий жараён ва унинг қонуниятлари ёки бадий асар ва унинг хусусиятларини таққосланади.

2. Адабиётшунослик методологияси замонавий адабиёт тажрибасига таянади.

Адабиётшунослик методологияси учун бадий кашфиётлар муҳим роль ўйнайди. Адабиётшунослик методологиясининг ички ёндашув ва таҳлил усуллари бадий кашфиётлар эвазига кенгаяди.

3. Методологияда муайян дунёқараш устивор бўлади. Шу дунёқараш орқали объектга қаралади.

4. Тарихийлик принципи ҳам методология учун муҳимидир.

5. Адабиётшунослик методологияси бошқа фан соҳаларининг

ютукларига суянади. Социология билан алоқаси бор. Матн ритмикасини ўрганишда математика фани билан алоқаси бор. Семиотик анализда лингвистика ёрдам беради. Методология учун «нима учун», «нима» ва «қандай» деган муҳим саволлар бор. Масалан, адабий-танқидий таҳлилда адабий манба, бадиий матн нима учун, нима мақсадда текширилади? Бу саволга жавоб керак. Тадқиқотчи ёзувчи ва воқеликни текширадими, объектнинг қийматини аниқлайдими, муаллиф санъатига баҳо берадими? Бу турдаги масалалар методологик жиҳатдан таҳлилнинг нима учун деган қисмида ётади. Адабий-танқидий таҳлилда айнан нима тадқиқ этилади? Шакл, мазмун, услуб, ғоя, тил, бадиий концепция, жанр, асарнинг яратилиш тарихи, автор руҳияти ва бадиий психологизм, традиция ва новаторлик - нимани тадқиқ этиш керак. Бу икки масала методологик жиҳатдан ойдинлаштирилгандан кейин уни «қандай тадқиқ этади» деган савол табиий шу юқоридаги икки ҳолат жавобидан келиб чиқади. Зотан, бадиий матндаги 1) кўп аспекти-бир йўла бир неча жиҳат текширилиши ёки 2) унинг битта қирраси текширилиши мумкин. Буни тадқиқотчининг ўзи белгилаб олади. Методология ҳам, метод ҳам шу ўринда ўзининг қийматини намоён этади.

Адабиётшунослик илми муайян адабий ҳодисага 1) хронологик 2) муаммоли 3) жанр хусусиятига кўра ёндашиши мумкин. Адабиётшунослик илмининг икки катта таркибий қисми - адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига эътибор берилганда ҳам улар маълум бир ички тартибга эга экани кўринади. Масалан, адабиёт тарихи энг аввало икки тамойил асосида-хронологик (қадимги, ўрта асрлар, янги типдаги даврлаштириш), ва замон-давр-вақт (маълум бир мамлакат адабиёти тарихи, маълум бир регион адабиёти тарихи, маълум бир этник жиҳатдан яқин бўлган халқлар адабиёти тарихи, дунё адабиёти тарихи) нуқтаи назаридан методологик асосда фарқланади. Бу ҳар икки фарқни қамраб олган адабиёт тарихи ичкарасида маълум бир масалалар юзасидан, масалан адабий оқимлар-йўналишлар тарихини ўрганиш (классицизм, романтизм, танқидий реализм, реализм, модернизм), алоҳида олинган жанрлар тарихини ўрганиш (эпос, роман, драма, лирика), йирик адиблар ижодини ўрганиш (шекспиршунослик, навоийшунолик, қодирийшунослик) юзасидан ҳам тармоқланиши мумкин.

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов филолог- магистралар учун ёзган

«Бадий асарга ёндашув асослари» номли ўқув қўлланмасида асосан бадий асарга «тарихий-биографик» ҳамда «тарихий-функционал» ёндашувни ўзбек адабиёти манбалари асосида ёритиб беради.

Шунингдек, дунё адабиётшунослигида адабиётшуносликнинг бир қатор методлари фарқланадики, биз имкониятимиз доирасида улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Социологик метод адабиётшуносликда жуда кенг қўлланадиган илмий тадқиқот усуллари билан бириктирилади. Социологик метод негизида адабиётни ижтимоий-социал воқеликка боғлиқ ҳолда ўрганиш принциплари ётади. Адабиётни бу метод воситасида тадқиқ этишда асосан жамиятдаги ижтимоий ҳодисалар билан боғланиш ҳоллари етакчи ўринда туради. Шу сабабли адабиётшуносликда адабиёт ва социология тушунчалари жуда кўп ишлатилади. Иккинчи томондан бу атама тор маънода адабиётшунослик ва социология фанлари соҳасида бадий адабиётнинг жамиятдаги функцияси тарзида ҳам қўлланади.

Бадий адабиёт ва умуман, санъатнинг жамият билан ўзаро муносабатлари масаласи жуда қадим замонлардаёқ ўртага ташланган бўлса-да, адабиётнинг ижтимоий моҳияти ва шу асосида ўрганиш-тадқиқ этиш методи XIX аср ўрталарига келиб юзага чиқади.

Дунё адабиётшунослиги тарихида «маданий-тарихий мактаб» вакили сифатида қараладиган француз олими Ипполит Тэнь (1828-1893) социологик методнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. И.Тэнь ўз қарашларида позитивист О.Контни таъсирида бўлган. Бу олим социологияни конкрет (эмприк) фанларга татбиқ этиб, ўз методини табиий фанлар методикасига анологик тарзда тузади. Бироқ И.Тэннинг санъатга қарашлари позитив характерда эмас эди. Санъат тараққиётини ижтимоий ҳолат билан изоҳлашга - тушунтиришга интилади. И.Тэнь ўз назарий фикр-мулоҳазалари исботи учун инглиз адабиёти тарихига, нидерландиялик рассомлар ижодига, қадимги грек ҳамда итальян санъати тарихига мурожаат этади; мазкур объектларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт сабабларини ижтимоий-тарихий асосларга боғлаб ўрганади.

И.Тэннинг назарий қарашлари немис классик фалсафаси намояндалари

Готфрид Иоганн Гердер (1744-1803) ҳамда Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) таъсирида шаклланади. Хусусан, Гегелнинг «Эстетика» асари нафақат маданий-тарихий мактаб вакиллари ижодида, балки ўзидан кейинги бутун бошли файласуф-адабиётшунослар авлодининг шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этган эди. Бу асарнинг бугун ҳам қиймати бекиёсдир.

Социологик метод асослари учун тош қўяр экан И.Тэнь санъатнинг энг асосий предмети жамият ҳаётида мавжуд бўлган инсонларнинг характериدير, дея ҳисоблайди. У ўз принципларини «ирқ, муҳит ва давр-вақт» («раса, среда и момент») тушунчалари воситасида изоҳлайди. Санъат асарини қайсидир ирқ-халқ-миллатга мансублигини, маълум бир муҳит ва муайян замонда яратилишини алоҳида таъкидлайди.

Бадиий адабиётни социологик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш марксча социология билан кўп жиҳатлардан боғлиқ.

Ижтимоий фан тарихидан ўрин олган марксистик социологиянинг методологик асосини тарихий материализм ташкил қилади. К.Маркс ва Ф.Энгельснинг шогирдлари Франц Меринг (1846-1919 немис), француз социалисти Поль Лафарг (1842-1911), Россия муҳитида эса Георгий Валентинович Плехановлар (1856-1918) бу йўналиш тариққиётида ўзларининг хиссаларини қўшганлар.

Г.В.Плеханов «Карл Маркс ва Лев Толстой», «Яна Толстой тўғрисида», «Вассарион Григорьевич Белинский», «Белинский, Чернишевский ва Писарев» номли мақолаларида ўзининг адабиётга қарашлари қатъий социологик нуқтаи назаридан эканини баён этади.

В.Г.Белинский тўғрисида ёзар экан, ўша танқидчи адабий ходисага социологик нуқтаи назардан эмас, балки фақатгина публицистик нуқтаи назаридан қарайди, дея бу хусусиятни камчилик қилиб кўрсатади. «Белинскийнинг кейинги йилларда ёзган мақолаларида адабий танқидчилигимиз бажариш керак бўлган қатор режалар хусусида фикр юритилганки, бу вазифалар фақатгина социологик нуқтаи назарида мустаҳкам туриб олгандагина бажарилиш мумкин».

Бу кўчирманинг ўзиёқ Плехановнинг мазкур методга нақадар

ошуфталигини кўрсатади.

Гарчи ҳозирга келиб марксча-ленинча фалсафа негизидан униб чиққан марксча социологик метод танқидга учраётган бўлса-да, унинг муайян тарихий шароитда етакчилик бўлганини - у сунъий ёки табиий бўлишидан қатъи назар - инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Шу маънода социологик методнинг совет даври хусусида ҳам фикрлашиш, ҳам муайян ибратли хулосалар чиқариш мумкин.

Сир эмаски, совет адабиётшунослиги социологик метод билан куролланар экан, К.Маркс ва Ф.Энгельснинг реализм ҳақидаги, умуман, адабиёт ҳамда маданий мерос тўғрисидаги қарашларига таянди. В.Лениннинг қатор мақолалари, хусусан, адабиётнинг партиявийлиги борасидаги, шунингдек, Л.Н.Толстой ва А.И.Герцен тўғрисидаги мақолалари адабиётшунослик учун методологик таянч вазифасини ўтади.

Анатолий Васильевич Луначарский (1875-1933) марксист ўлароқ санъат, адабиёт соҳасига ўша назарий қарашлари олиб киради. Бадиий адабиёт соҳасида марксча-ленинча фалсафани тарғиб-ташвиқ этди. А.В.Луначарскийнинг «Санъат ҳақида мунозара» (1905), «Пролетар адабиёти ҳақида мактублар» (1914), «Санъатда синфий кураш» (1929), «Ленин ва адабиётшунослик» (1932) каби қатор асарлари фикримизнинг исботидир.

Бадиий адабиётни жамият ҳаётига, баъзида иқтисодий омилларга боғлаб сўллашиш 20-30-йиллар совет адабиётшунослигига хос хусусиятдир. Яна ҳам аниқроғи бу давр адабиётшунослигида марксча-ленинча фалсафий таълимотни бадиий адабиёт тадқиқи учун қўллашда бирёқламалик юз беради. Синфий кураш - тарихни ҳаракатга келтирадиган кучдир, деган таълимот билан куролланган олимлар бадиий адабиётда мазмун масаласини сийқалаштириб, нисбатан жўнлаштирдилар. Ҳар қандай бадиий асарга, энг аввало синфлар кураши, синфлар ўртасидаги шиддатли тўқнашувлар нуқтаи назаридан ёндашилди. XX аср адабиётшунослик тарихидаги бу ҳодиса «вульгар социологизм» деб номланади. «Вульгар» сўзи лотинча бўлиб, «содда, оддий» деган маънони билдиради.

Хўш вульгар социологизмнинг ўзи нима? «Вульгар социологизм - ижтимоий ҳодисаларни сийқа талқин қилишдан иборат бўлиб, бундай талқин қилиш тарихий материалзмни бузади, чунки бу ижтимоий тараққиётнинг айрим

факторларини; техникани, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини, экономикани, сиёсатни, идеологияни бир томонлама бўрттириб кўрсатади. Тор маънода-идеологиянинг синфий шарт-шароитга боғлиқ эканини сийқа тушунишдир». Бу тавсифда ҳам замоннинг мафкуравий назари бор. Рус адабий танқидчилиги ва эстетикасида В.Шулятиков, В.Переверзев, В.Фриче каби олимлар вульгар социологик қарашга эга эдилар. Буларнинг бирёклама адабий назарияларига ўз вақтида жавоб тарзида ёзилган асарлар майдонга келди. Бу адабий ҳодисани танқид қилганлар гўё уларнинг марксча-ленинча таълимоти адабиёт соҳасига нотўғри татбиқ этилганини сўзлаш орқали адабий-илмий муҳитни соғломлаштиришга интилдилар. Аммо бадий адабиётни социологик метод асосида тадқиқ этиш синфийлик, партиявийлик, халқчилликдангина иборат эмас. Тўғрироғи, адабиётни ижтимоий воқелик, жамият ҳаётига алоқадорликда текширишнинг бирдан-бир тўғри йўли марксча-ленинча фалсафа воситачилигидир, деган қараш ўзини оқламайди. Буни кейинги йиллар илм-фанидаги, фалсафа, эстетика соҳасидаги туб ўзгаришлар кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 30-йиллар муҳитида вульгар социологик қарашлар ўзбек адабиётшунослигида ҳам мавжуд эди. Фикримизча, Айннинг (Олим Шарафиддинов) «Ўзбек шоири, Чўлпон» (1927 йил 14 февраль, «Қизил Ўзбекистон» газетаси) мақоласи ва мазкур «чўлпонизм» баҳсларида қатнашган Усмонхоннинг «Мунаққиднинг мунаққиди» (««Қизил Ўзбекистон» газетаси 1927 й) мақолалари, шунингдек С.Хусайннинг «Ўтган кунлар» ҳамда М.Бузрук Солиҳовнинг «Меҳробдан чаён» танқидига бағишланган асарлари вульгар социологик руҳда эди.

Отажон Ҳошим эса ўша 30-йиллар муҳитида мафкуравий адабиётшуносликнинг бир қатор манбаларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилди.

Сир эмаски, ўзбек адабиётшуносларининг катта бир авлоди рус адабий танқидчилари, бадий адабиётнинг социал вазифасига асосий урғу берган Вассарион Григорьевич Белинский (1811-1848), Николай Гаврилович Чернишевский (1828-1889), Николай Александрович Добролюбовлар (1836-1861)

мактаби тарбиясини олдилар. Бу адабиётшунос-мунаққидларнинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ҳам таржима қилинди. Шу маънода ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихига назар ташланса, аксарият ҳолларда бадиий асарлар социологик метод асосида тадқиқ қилингани ойдинлашади. Бироқ бу фикр ўзбек адабиётшунослари бадиий асарнинг эстетик қирраларига, психологизм ёки формал томонларга мутлақо эътибор берган эмас, деган мулоҳазани келтириб чиқармаслиги лозим. Зероки, бу масалалар ўзбек адабиётшунослиги ва адабий тақидчилиги тарихига оид китобларда қайсидир даражада ёритилди.

Бадиий адабиёт мавжуд экан. Уни ижтимоий нуқтаи назардан ўрганиш жараёнлари, турмуш тарзига, жамият ҳаётига қиёслаш ҳоллари ҳам мавжуд бўлади.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
2. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ислом Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
4. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1989.
5. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1986.
6. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Мухаррир” нашриёти. 2011.
7. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Академнашр”. 2014.
8. Норматов У. Ижод сеҳри. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
9. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. «Шарқ» нашриёти. 2004.
10. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
11. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент. “Академнашр”. 2011.
12. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.

Интернет сайтлари

1. www.ziyo-net.uz
2. www.edu.uz
3. www.litera.ru.
4. www.Philologs.narod.ru.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1-амалий машғулот: Адабиётшунослик методлари таснифи

Режа:

1. Адабиётшунослик методологияси ва адабиёт назарияси;
2. Метод ва методология баҳслари хусусида;
3. Адабиётшуносликдаги методлар хилма хиллиги;
4. Бадиий асарни турли аспектларда ўрганиш йўллари;
5. Методлар таснифи.

Таянч сўз ва иборалар: адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, хронология, дунёқараш, эстетика, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, генетик, имманент.

Мавзунинг долзарблиги:

Адабиётшуносликда бадиий асарларни талқин қиладиган методларни таснифлаш муҳим саналади Бадиий асарни талхлили ва талқини учун адабиётшунос олима турли усуллардан фойдаланади. Дунё адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашувнинг кўплаб усуллари мавжуд. Ҳар бир методнинг назарий асослари, асосчилари, талқиндаги индивидуал қирралари фарқланади.

Маърузанинг қисқача баёни:

Методология тадқиқотчига йўналиш беради. Бу соҳа олимнинг шахсий изланишлари даврида шаклланиб муқимлашади. Натижада объектнинг қайси жиҳатларини қандай метод асосида бажариш лозимлиги кўринади. Методлар нисбатан нейтрал бўлиб қолиши ҳам мумкин, яъни аниқ бир методдан турли дунёқарашга эга олим бадиий асар талқинида ўз ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланди.

Ҳар қандай адабиётшуносликка оид тадқиқотда етакчи-устивор ва индивидуал методларни фарқлаш жоиз. Зеро, улар аниқ илмий вазифа қаршисида ўзларининг ўринларини бошқалари билан алмаштиришлари ҳам мумкин. Комплекс анализ умумлаштирувчи метод сифатида асосан тарихий-адабий муҳит, муайян миллат ёки давр адабиёти тарихи юзасидан муайян

хулосалар чиқариш учун қўлланилса, нисбатан индивидуал метод ижодкорнинг маҳоратини, руҳий ҳолати ёки эстетик қарашларини, бадиий асар тили, структураси, ритми ёки индивидуал услубини текшишга жорий қилинади.

Ю.Б.Борев метод тушунчасига фикрлаш усули (способ мышление), методология тушунчасига метод назарияси (теория метода), методика тушунчасига методнинг хусусий усуллари тизими тарзида қарайди. Агар илмий-назарий қарашлар татбиқ қилинаётган объектга мос-мувофиқ келса, бундай ёндашув методолгик жиҳатдан жуда яхши натижа беради. Метод ана шу мувофиқлик асосни ташкил этади.

Адабиётшунослик методологиясида қуйидаги факторлар муҳим саналади:

1. Аввало бадиий асар бўлиши лозим. Бунда адабий жараён ва унинг қонуниятлари ёки бадиий асар ва унинг хусусиятлари тадқиқ этилади.

2. Адабиётшунослик методологияси замонавий адабиёт тажрибасига таянади. Бу соҳа учун бадиий кашфиётлар муҳим роль ўйнайди. Умуман, адабиётшуносликдаги ички ёндашувлар, таҳлил ва талқин усулларининг имкониятлари оригинал бадиий кашфиётлар эвазига кенгайиб боради.

3. Методологияда муайян дунёқараш устивор бўлади. Шу дунёқараш воситасида объекти тадқиқ қилинади.

4. Методология учун тарихийлик тамойили муҳим саналади.

5. Адабиётшунослик методологияси бошқа фан соҳаларининг ютуқларига суянади. Социология билан алоқадор. Матн ритмикасини ўрганишда, статистик улудда табиий фанлар билан боғланади. Семиотик, имманент анализда лингвистика ютуқларига таянади¹.

Методология учун “нима учун”, “нима” ва “қандай” деган муҳим саволлар бор. Масалан, адабий-танқидий таҳлилда адабий манба, бадиий матн нима учун, нима мақсадда текширилади? Бу саволга жавоб керак. Тадқиқотчи ёзувчи ва воқеликни текширадими, бадиий асарнинг поэтик даражасини аниқлайдими, муаллифнинг бадиий маҳоратига, санъаткорлигига

¹ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М.: 1992. Стр. 36-37.

баҳо берадими? Бу турдаги масалалар методологик жиҳатдан таҳлилнинг “нима учун” деган қисмини ташкил этади. Адабий-назарий таҳлилда айнан “нима” тадқиқ қилинади? Шакл, мазмун, услуб, ғоя, тил, бадиий концепция, жанр, асарнинг яратилиш тарихи, автор руҳияти ва бадиий психологизм, традиция ва новаторлик – “нима”ни тадқиқ этиш керак? Бу икки масала методологик жиҳатдан ойдинлаштирилгандан кейин уни “қандай” тадқиқ этади, деган савол табиий шу юқоридаги икки ҳолат жавобидан келиб чиқади. Зотан, бадиий матндаги 1) кўп аспекти - бир йўла бир неча жиҳат текширилиши ва ёки 2) унинг битта қирраси ўрганилиши мумкин. Буни тадқиқотчи ўзи билим даражаси, дунёқараши, ички сезим - интуицияси билан белгилаб олади. Адабиётшунослик илми муайян адабий ходисага 1) хронологик 2) муаммоли 3) жанр хусусиятига кўра ёндашиши мумкин. Адабиётшунослик илмининг икки катта таркибий қисми - адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига эътибор берилганда ҳам улар маълум бир ички тартибга эга экани кўринади. Масалан, адабиёт тарихи энг аввало икки тамойил асосида - хронологик (қадимги, ўрта асрлар, янги типдаги даврлаштириш) ва маконий белги (маълум бир мамлакат адабиёти тарихи, маълум бир регион адабиёти тарихи, маълум бир этник жиҳатдан яқин бўлган халқлар адабиёти тарихи, дунё адабиёти тарихи) нуқтаи назаридан методологик асосда фарқланади. Бу ҳар икки фарқни қамраб олган адабиёт тарихи ичкарасида маълум бир масалалар юзасидан, масалан, адабий оқимлар-йўналишлар тарихини ўрганиш (классицизм, романтизм, танқидий реализм, реализм, модернизм), алоҳида олинган жанрлар тарихини ўрганиш (эпос, роман, трагедия, ғазал), йирик адиблар ижодини ўрганиш (шекспиршунослик, навойшунолик, қодирийшунослик) юзасидан ҳам тармоқланиши мумкин.

“Адабиёт назарияси”дан маълумки, ижодий метод – бу ижодкорнинг дунёга қарашига оид тушунча бўлиб, борлик, инсон, воқеа-ходисалар муносабатини белгилайди. Адабиётшунослик методлари эса бевосита адабиётшунос олимнинг адабий-илмий матни билиши, тушуниши ва тушунтиришига тегишли илмий тушунчалар тизимидир.

Адабиётшунослик методларини фанда “усул”, “ёндашув”, тарзида турлича номлаш ҳамда турлича таснифлаш мавжуд. Табиийки, яхлит ходисани қисмларга жаратиб ўрганиш, маълум бир асосига кўра таснифлаш воқеликни англашга ёрдам беради. Адабиётшунослик методларидан бири тадқиқот жараёнида етакчилик қилиши мумкин. Шу тамойилга қараб тадқиқот ишининг қайси методда ёзилгани аниқланади. Битта илмий ишда, мақола ёки илмий рисола, монографияда бир неча методлар қоришиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Методлар орасига бирлашмас, ўзаро кесишмас тарзидаги чегара қўйиш тўғри бўлмайди. Зеро, бадиий матнга нисбатан барча, бир неча методларни қўллаб, жуда кўп қирралар комплек усулда ойдинлаштирилиши, тушунтирилиши ҳам илмда бор ходисадир.

Немис олими Мариен Кризебахнинг «Methoden der Literaturwissenschaft» (“Адабиётшунослик методлари”) номли китобида қуйидаги таснифни беради:

1. Positivistische Methode (Позитивистик метод);
2. Geistesgeschichtliche Methode (Ижтимоий-тарихий метод);
3. Phänomenologische Methode (Фенемологик метод);
4. Existentielle Methode (Экзистенционал метод);
5. Morphologische Methode (Морфологик метод);
6. Soziologische Methode (Социологик метод)
7. Statistische Methode (Статистик метод)
8. Strukturalistische Methode (Структурал метод)².

Рус адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашув усулларини Ю.Борев қуйидаги тарзда таснифлайди:

1. Социологик ёндашув;
2. Гнесеологик ёндашув;
3. Тарихий-маданий ёндашув;
4. Қиёсий-тарихий ёндашув;
5. Биографик ёндашув;
6. Ижодий-генетик ёндашув;

² Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992.

7.Онтологик ёндашув.

Ю.Борев шу мавзуга оид китобида бундай ёндашувларга хос хусусиятларни батафсил ёритиб беради³.

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов филолог-магистрлар учун ёзган “Бадиий асарга ёндашув асослари” номли ўқув қўлланмасида асосан бадиий асарга “тарихий-биографик” ҳамда “тарихий-функционал” ёндашувни ўзбек адабиёти манбалари асосида ёритади⁴. Шу ўринда бугунги ўзбек адабиётшунослигида адабиётшунослик методлари, уларнинг тарихи, таҳлил тамойилларига қизиқиш кучайганини, бу хусусда айрим мақолалар ёзилганини таъкидлаш лозим⁵.

Алоҳида таъкидлаш керакки, адабиётшунослик методлари ўзаро қатъий чегарлаш ҳам, масалани бир метод тадқиқ йўлларининг бошқасида учрамаслиги тарзида қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Бадиий асар моҳиятини, ижодкор маҳоратини очишда жараёнида бир неча методлар бараварига қатнашиши ҳам ёки тадқиқотда бирор методнинг устивор бўлиши ҳам мумкин. Муҳими санъаткор дунёсини, бадиий асарнинг поэтик гўзаллиги ва эстетик қийматини кўрсатитишдир.

Дунё адабиётшунослигида бир қатор методлари фарқланади; улардан айримлари қўлланмада имконият доирасида ёритилди.

Мавзунинг амалиёт билан боғлиқлиги:

1. Бадиий асарнинг поэтик моҳиятини аниқлашда методлар фойда беради.
2. Олий ўқув юртлигининг муаллимлари ўзлари таълим бераётган йўналиш бўйича талабаларга адабиётшунослик методлар моҳиятини аниқлаш ва шу асосда бадиий асар таҳлилининг амалиётда намоён этиши лозим.
3. Адабиётшунос олимларнинг бадиий асарга ёндашув усулларининг фарқлаш мавзунинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

³ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1992. Стр.47-66.

⁴ Расулов А. Бадиий асарга ёндашув асослари. -Т., 2003, 43-бет.

⁵ А.Расулов. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.; С.Мели. “Янги танқид” // “Шарқ юлдузи” журнали. 2010., №4; У.Жўрақулов. Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006.; Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2008 йил. № 2.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Дунё адабиётшунослигидаги етакчи методлар ҳақида маълумот беринг.
2. Ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги асосий таҳлил методлари қайсилар эди?
3. Адабиётшуносликда келажакда қайси усуллар кўпроқ самара бериши мумкин?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ислон Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.
3. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1992.
4. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1992.
5. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Мухаррир” нашриёти. 2011.
6. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
7. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент. “Академнашр”. 2011.
8. Қуронон Д., Раҳмонон Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.
9. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.

Интернет сайтлари

1. www.ziyo-net.uz
2. www.edu.uz
3. www.litera.ru.
4. www.Philologs.narod.ru.

2-амалий машғулот: Бадиий асар муаллифига тегишли методлар ва уларнинг назарий асослари

Режа:

1. Методнинг асосий тамойиллари;
2. Биографик ва психологик методлар тарихи ва асосчилари;
3. Биографик жанр ва биорграфик метод хусусида.
4. Ўзбек адабиётшунослигида муаллифни ўрганиш масаласи;

Таянч сўз ва иборалар: психология, биография, таржимаи ҳол, ижодкор “мен”и, психобиография, адабий портрет, биографик жанр,

Техник жиҳозлар ва кўргазмали воситалар:

Маъруза бўйича тайёрланган слайдлар, нашр этилган манбалар ва илмий адабиётлар.

Маърузада қўлланилган методика (пед.технология):

Ақлий хужум, БББ методлари.

Мавзунинг долзарблиги:

Адабиётшуносликда турли йўналишдаги методлар мавжуд. Бадиий асарни таҳлили ва талқини учун адабиётшунос турли усулларни билиши лозим. Бадиий асар муаллифини тадқиқ этадиган методлардан бохабарлик таҳлилга ёрдам беради. Ҳар бир методнинг назарий асослари, асосчилари, талқиндаги индивидуал қирралари ўрганиш долзарб саналади.

Мавзунинг амалиёт билан боғлиқлиги:

1. Бадиий асарнинг поэтик моҳиятини аниқлашда методлар фойда беради.
2. Олий ўқув юртларининг муаллимлари ўзлари таълим бераётган йўналиш бўйича талабаларга адабиётшунослик методлар моҳиятини аниқлаштириши ва шу асосда бадиий асар таҳлилининг амалиётда намоён этиши лозим.
3. Адабиётшунос олимларнинг бадиий асарга ёндашув усулларининг фарқлаш мавзунинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Бадиий ижод моҳиятини, ижодкор психологиясини, бадиий асар илдизларини очишда биографик метод муҳим аҳамият касб этади. Бу методни содда, жўн тушунмаслик керак. Зотан, биографик метод ижодкор таржимаи ҳолининг оддий хронологик таснифи эмас; ёзувчининг туғилган йили, яшаган жойи ёки муҳити, асарларининг ёзилган йили ва ниҳоят ижодкорнинг ўлган йили – буларнинг бари биографик маълумотлар ҳисобланади.

Биографик метод эса ёзувчи ва бадиий асар жуфтлиги устида кўпроқ

иш кўради. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишга импульс берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби катор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради.

Ҳар бир ижодкор ўзича бир олам. Чинакам санъаткорлар бири иккинчисини такрорламайди, бири иккинчисига таклид қилмайди. «Ҳар бир санъаткорнинг ўз мамлакати бўлади ва шу мамлакатда яшайдиган, истиқомат қиладиган ўз фуқаролари бўлади» (Талъат Солиҳов домла). Шу маънода ҳар бир ижодкорнинг ўз дунёси, ўз эътиқодий таянчлари мавжуд. Юрий Борев бадиий асарга биографик метод асосида ёндашув масаласида «бадиий асарни ёзувчи шахси орқали ўқиш услуби», дея ёзади ва бу фикрига: «Санъаткорнинг индивидуал тақдири унинг ижодини талқин этишда калит вазифасини ўтайди», деган жумлаларни қўшимча қилади.

Илмий манбаларда адабиётшунослик методларидан бири сифатида кўрсатилган «Биографик метод адабиётни шундай ўрганиш усулики, бунда ёзувчи биографияси ва шахсияти бадиий ижодининг асосий белгиловчи моменти тарзида қаралади» (М. «Л.Э.С» 1987 г стр 54).

Бадиий асарга 17-18 асргача муайян «абдиий қоидалар» орқали қаралган. Романтизм даврига келиб бу норма ва қоидалар ўзгариб туриши ҳақида фикрлар майдонга ташланади. Ю.Боревнинг таъкидлашича, аввало Виктор Гюго шундай қарашларни илгари суради. Буюк француз ёзувчисининг эътирофига кўра, «Адабиётшунослар тез кунларда ёзувчиларни ғайритабиий, ғайрисанъатий қоида ва жанрлар нуқтаи назаридан текширмаслик кераклигини англайди. Улар ижодкорни санъат табиатига мувофиқ қонунлар ҳамда ҳар бир ижодкор шахси билан боғлиқ қонунлар нуқтаи назаридан текшириш лозимлигини ҳис этади». Француз романтиклари, адабиётчи ва тарихчиларида юзага келган бундай

эътирофлар бадий асарга биографик метод асосида ёндашув масаласини кун тартибига келтириб кўяди.

Адабиётшуносликдаги биографик метод принципларининг ишланиши ва умуман бу методнинг бадий ижод соҳасига татбиқ этилишини олимлар француз танқидчиси ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) номи билан боғлайдилар. Журналларда босилган мақолаларидан «Душанба кунларидаги суҳбатлар» (1851-1862, «Беседы по понедельникам»), «Янги душанба кунлари» (1863-1870, «Новые понедельники») каби кўп томли сериялари юзага келган. Сент-Бёв 24 ёшида «16-аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори» (1828) номли тадқиқот китобини ёзади. Олимнинг яна бир китоби «Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи» (1861) деб номланади.

Биографик метод мавзуга дахлдор тўплами эса «Адабий-танқидий портретлар» (1836-1839) деб аталади («Литературные портреты». Критические очерки. М. 1970).

Сент-Бёв ўрта асрлар француз адабиётини, 16 аср поэзиясини, классиклардан Корнель, Расин, Мольер, Лафонтен ижодини, 18 аср ёзувчилари Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо ижодини, 19 асрдан Шатобриан, Гюго, Мюссе, Жорж Санд ва Флобер ижодини тадқиқ этароқ биографик метод асосларини ишлаб чиқди.

Сент-Бёв ўзининг биографик йўналишда ёзган адабий-танқидий мақолаларида муайян ёзувчи характеристикасига алоҳида эътибор беради. Зотан, «Адабий портретлар» тўпламида: «Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилятлари, маънавий-руҳий кифоаси; бир сўз билан айтганда-машҳур ёзувчиларнинг биографиясини ўрганиш ўзига жалб этиб келди», деган фикрларни ёзади.

Бу метод дунё олимлари, хусусан, шўро адабий-сиёсий мафкураси билан қуролланган адабиётчилар томонидан кенг ишланмаган ва айнан «психобиография», яъни ёзувчининг

психологик биографияси тарзида амалиётга татбиқ этилмади. Аммо бир ҳақиқатни, яъни бадиий асарда иждоқнинг руҳий кечинмалари, ҳаётий тажрибалари ўз изини қолдиришини ҳеч ким инкор эта билмайди. Ёзувчи биографияси қайсидир даражада унинг иждоқида акс этади. Қайсидир маънода санъат намунасининг оригиналлигини, ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, руҳий кечинмалар, силкинишлар, дунёқарашидаги сакрашлар фонида бадиий асарни талқин этиш ўзининг ижобий самараларини беради.

Масалан, биз ҳеч қачон «Ҳинд сайёҳи», «Мунозара», «Раҳбари нажот» каби асарлари ҳақида Фитратнинг руҳий-маънавий дунёсини, эътиқодий қарашларини, унга таъсир этган микромуҳитни тадқиқ этмагунча тўғри хулосалар чиқара олмаймиз. Айни чоғда орадан ўн-йигирма йиллар ўтгандан кейин ёзилган «Меърож», «Зайд ва Зайнаб», «Заҳронинг иймони» типдаги ҳикояларни ҳам Фитратнинг ҳаёт тажрибалари, дунёқарашидаги ўзгаришлар, муҳит тайзиқи каби қатор омилларнинг махсус текширувисиз англаш мушкул.

Романлаштирилган биографиялар устаси, машҳур француз ёзувчиси Андре Моруанинг (1885-1967) адабиётшуносликдаги биографик методга, айни чоғда, машҳур кишиларнинг бадиий-эстетик биографиясини ёзиш анъанасига маълум даражада алоқаси бор. А.Моруанинг бадиий-эстетик қарашлари уч булоқдан-француз, инглиз ва рус маданиятидан баҳраманд бўлган. Рус ёзувчиларидан И.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Толстой ҳақида махсус асарлар ёзган. А.Моруа Шекспир, Бальзак ва Л.Толстой ҳақида гапира туриб, уларга: «Инсоният учун инсоният томонидан бино этилган уч буюк ёдгорлик», дея баҳо берган.

А.Моруа инглизлардан Байрон ва Шелли, Диккенс ва Броунинг, Уэллс ва Б. Шоуни яхши кўрган.

Француз адабиётининг чўққисида О.Бальзакни кўйган. А.Моруанинг француз адабиёти тараққиёт босқичлари ҳамда XX аср француз

ёзувчиларининг адабий портретига бағишланган тўртта китоби бор. Улар «Лабрюйердан Прустгача» (1964), «Прустдан Камюгача» (1963), «Жиддан Сартргача» (1965), «Арагондан Монтерленгача» (1967) дея номланади. Бу китоблардан танланма 1970 йили рус тилида «Адабий портретлар» сарлавҳаси билан нашр этилган.

А.Моруа Вольтер ҳаётини ўзига хос тарзда ёзса, И.Тургенев ва М.Пруст ҳаёти-ижодига доир мулоҳазалари адабий-танқидий тадқиқот типига яқин туради. «Энг асосийси,-дея ёзади Ф.Наркирьер «Андре Моруа» китобида,-Моруанинг барча ёзган асарларини бир нарсанинг методи, ижодга биографик ёндашув методи бирлаштириб туради». А.Моруанинг кўпгина қарашлари Сент-Бёвга яқин: «Сент-Бёв ҳимоясига доир» деган мақоласида ўша олимнинг: «Мен дарахт қандай бўлса, меваси ҳам шунақа, дея мамнуният билан айтаман. Шунга монанд, адабий тадқиқот мени психологик изланиш-тадқиқотлар сари етаклайди», деган фикрларини келтиради.

Адабиётшуносликдаги биографик метод учун психологик ёндашув, биография ва психология паралеллиги нақадар муҳим эканини ана шу эътирофдан ҳам билиб олиш мумкин. Зотан, бу метод ҳақида марксист танқидчи олимлар биографик методда бадиий асарнинг жамиятдаги функциясига эътибор қаратилмайди, бадиий асар муайян шахс ижодининг маҳсулидан иборат қилиб қўйилади, бу методда субъективлик гуноҳи бор, қолаверса, бу метод сермахсул эмас, тарзидаги айб-танқидлар билдирганлар. Бу методда ижод этувчи адабиётшунослар учун ҳам қолип тавсия этишган: тадқиқотчи санъаткорнинг адабий ва ўз даври ижтимоий ҳаётидаги ролини тўғри аниқлай билиши керак. Муҳими шу гўё.

Методга бундай муносабат ҳам истайсизми-йўқми бари-бир илм устидаги сиёсат, фикр ва қалам эркисизлигидан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, бу методнинг ижобий хусусиятлари кўп. Образли қилиб айтганда, қуёш нури ёмғирли об-ҳаводан ўтиб камалакка

айланганидек, тадқиқотчининг назари ижодкор шахсий ҳаёти призмасидан ўтиб, унинг ёзган асарлари устига сочилади; турли рангларни топади.

Адабиётшуносликдаги ҳеч бир методни ҳеч ким ҳеч қачон абсолютлаштиришга ҳақли эмас. Чунки илмда ҳақиқатга бориладиган йўл битта эмас. Ҳар бир тадқиқот усули ва тадқиқотчи асардаги муайян масала устида чегараланишга ва ўз хулосаларини чиқаришга ҳақлидир. Маълум бир тадқиқот учун текширувнинг бир неча усуллари уйғун-муносиб келиши ҳам мумкин.

Андре Моруа Оноре де Бальзак ижодини ёритар экан, унинг «Горио ота» (1843 йил ёзилган) романига алоҳида тўхталади. Қаҳрамонларидаги хатти-ҳаракатларга, психологик ҳолатларга, кийинчиликлар ва кайф-сафоларга роман муаллифи ҳаёти призмаси орқали қарайди.

А.Моруа романдаги Воке хоқим ижраҳонасида яшайдиган «ўсиб келаётган персонаж» Растиньяк ҳамда «исёнкор, жамиятга қарши уруш эълон қилган» Вотрен табиатидан Бальзакка хос хусусиятларни топади. Шу маънода ёзади: «Бальзак ўз сифатларидан анча-мунчасини Вотренга берган ўша даврдаги ҳамма ёш йигитлар каби ёзувчи ҳали ҳам Наполеон сиймоси олдида тобланишдан ҳалос бўлган эмас».

Бальзакнинг Наполеон сиймосига ошуфталигини яна бир факт ҳам исботлайди. Унинг ёзув столи-китоб жавонининг энг тепасида ярим метрча келадиган Наполеоннинг гипс фигураси қўйилган. Унинг пастига картон қоғозда: «У қилич билан бошлаган ишни қалам билан охирига етказиш керак! Оноре де Бальзак», деган ёзув ёпиштириб қўйилган.

Бальзак «Горио ота» романида баъзан Вотрен, баъзан Растиньякка ўз сифатларидан тақдим этади. Баъзан Бальзак Вотрендек исёнкорона табиатга киргандек бўлди. «Ҳолбуки, ўзининг табиатига кўра у ҳам Растиньякка ўхшаган юмшоқ одам. Эзгулик,

меҳрибонлик нима эканини яхши биладиган Жорж Санд катъият билан шундай дерди: «Бу даҳо инсон тўғрисида у даставвал меҳрибон ва мушфиқ одам бўлган демок-унинг тўғрисида мен биладиган мақтовлардан энг юксагини айтмоқдир». Бироқ худди Растињьяк каби, деярлик бошқа ҳамма одамлар каби Бальзак ҳам мураккаб одам эди. Худди Растињьяк каби дўстликнинг қадрига етарди. Лора де Берни ёхуд Зюльма Карро каби олиймақом қалб эгаларининг улуғлиги олдида бош эгарди. Унинг соддадиллик ва навқиронлик руҳи билан суғорилган интилишларини намоён этиш учун «Водийлар нилуфари» ёки «Қишлоқ табиби»ни ўқиб чиқишнинг ўзи кифоя. Бироқ Бальзак мухтожликларга тўлиб-тошган, кишини йўлдан оздирувчи эрмаклари сероб бир тарздаги ҳаётни кечирди, бу ҳаётда у тез-тез ғазаб оташларига ҳам дуч келиб турарди. Табиийки, Бальзак ҳам худди Растињьякка ўхшаб нима қилиб бўлса-да, бунақа турмушдан халос бўлишни истаган.

Растињьяк «Горио ота» романида ҳали жуда тортинчоқ хижолат чекаверадиган йигит сифатида кўринади. Биз Растињьяк билан яна қайтадан учрашганимизда, у энди барон, давлат котиби, ўз ўйнашини эрининг озми-кўпми онгли шериги («Банкир Нусингенлар хонадони»), 1845 йилга келганда эса у энди министр бўлади... Эндиликда у «Мутлоқ эзгулик деган нарса йўқ, фақат шароит бор» деб даъво қилади («Ўзлари беҳабар мазҳарабозлар», «Асридан сайланган ноиб»). Кўпинча бу персонаж учун Тьер нусха бўлиб хизмат қилган дейишади. Дарҳақиқат, Бальзак Растињьяк образини яратар экан, Тьернинг баъзи бир сифатларини олган бўлиши мумкин, лекин ҳаммадан ортиқроқ у ўзининг сифатларини олган».

Бу кўчирмадан мақсад биографик метод асосида иш кўрадиган тадқиқотчининг иш усулига бир назар ташлашдир.

Инчунун, жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, француз адабиётшунослигида биографик методнинг ҳам назарий, ҳам амалий тажрибаларини, таъкидлаш жоизки, муваффақиятли тажрибаларини

учратиш мумкин.

Адабиётшунослик ҳам хилма-хил методлар воситасида иш кўришга ҳақли эканлиги ойдинлаша бораётган кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам қуруқ, хронологик адабий портретдан фарқли ўлароқ биографик метод имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини ҳис этмоқдалар.

Шу маънода ва айни чоғда масаланинг қўйилиши жиҳатдан профессор А.Расуловнинг «Илми ғарибани қўмсаб...» китобидан ўрин олган «Ҳол таржимасидаги сакталик ва сохталиклар» номли мақоласи бир қадар аҳамиятлидир. Олим бунда ёзувчи биографияси билан унинг асари орасидаги узвий боғланиш, руҳий яқинлик аҳамиятига алоҳида эътибор беради: «Ёзувчи ҳолати билан ижоди орасида узвий боғлиқлик бор... Ҳар қандай асарда ёзувчи руҳи, ҳоли, қалби акс этади. Асарлар синчиклаб ўрганилса, улар ёзувчи ҳолати, руҳияти ҳақида кўп нарсалар сўзлаб беради». Олим яна бир китобида ёзади: «Бадий асар – хоҳ у лирик, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин – ёзувчининг ижоди маҳсули. Фарзанд ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти – ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади».

А.Расулов китобларида айнан ушбу мавзуга, бугунги ўзбек адабиётшунослари кам эътибор бераётган адабий талқин усуллариغا янгича нуқтаи назардан жиддий қаралади.

Дунё адабиётида маълум бир ижодкорнинг котиблари томонидан ёзилган асарлар ҳам (Йоганн Петер Эккерман «Гёте билан суҳбатлар»), адибларнинг ўз эътирофлари битилган асарлар ҳам (Л.Толстой «Иқрорнома») мавжуд. Бундай манбалар бадий асарларни биографик метод асосида ўрганиш учун қалит вазифасини ўташи

мумкин.

Ўзбек адабиёти тарихидага «Ўтмишдан эртақлар» (Абдулла Қаҳҳор), «Болалик» (Ойбек), «Шум бола» (Ғафур Ғулум) каби қатор асарларни айнан шу метод асосида тадқиқ қилиш ўзининг яхши самараларини бериши табиийдир.

Бадиий асардан унинг муаллифига хос хусусиятларни кўра билиш унинг муҳитини, маънавий-руҳий дунёсини англаш орқали келиб чиқади. Масалан Абдулла Қодирий дунёсини англаш асарларини теранроқ тушунишга олиб келади. Зотан, аллома адибнинг Юсуфбек хожи, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно сингари қахрамонларида инъикос этган бебаҳо маънавий қадриятлар Абдулла Қодирий маънавий-руҳий дунёсида мавжуд эди, албатта. «...Артист бўлганимда эди, Отабек ролида ўзим ўйнардим... Негаки, Отабек характерини мендан яхши билгувчи йўқ...», деган истаги асосида ҳам ўша руҳий бутунлик сезими бор.

Ижод аҳли асарларида бировдан кўра кўпроқ ўзларини ёзади. Бировлар, образлар восита бўлади, холос. Баъзан ижодкорлар асарлари мазмун-моҳиятида ўз дарду дунёси акс этганини очик эътироф ҳам қиладилар. Шоир Абдулла Ориповдан «Отелло», «Алишер Навоий», «Аллома» каби шеърларининг юзага келиш тарихи тўғрисида сўралганда, шундай жавоб беради: «Бу шеърлар, албатта, аниқ тарихий саналар билан боғлиқ. Лекин уларнинг заминида менинг ҳаётга муносабатим бор. Бу туйғулар кишининг юрагида доимо яшаб, муайян бир туртки сабабли шеърга ўтган, холос».

Хуллас, биографик метод имкониятларини чуқур ўрганиш ва амалиётга, дунё адабиётшунослигида мавжуд тажрибалар асосида татбиқ этиш бугунги адабиётшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири саналади.

- Адабиётшуносликдаги мазкур метод XIX аср охирларида Ғарбий Европа ва Россияда юзага келди. Адабиётшунослар бадиий адабиётни талқин этишда фалсафа, социология ва эстетикадан бир оз

чекланиб психологизмга юз бурдилар. Психологизм тарафдорлари маданий-тарихий мактаб (социологик метод) ҳамда биографик метод имкониятларини қайта кўриб чиқиб, айна пайтда уни тараққий эттириб, шу метод асосларини ишлаб чиқди.

Мазкур метод ижоднинг психологик жиҳатларига, энг муҳими-авторнинг руҳий-маънавий дунёсига асосий эътиборни қаратди. Шу билан бирга бадиий асарни ўқувчининг руҳий олами ҳам бу йўналиш тадқиқотчилари учун муҳимдир. Чунки бадиий асарни ўзлаштириш ҳам бевосита инсоннинг маънавий-руҳий дунёсига тегишли масаладир. Зеро, санъат энг аввало инсон ўзлигининг, маънавий-руҳий оламининг ташқи факторлари инъикосининг ҳосиласидир.

Психологик йўналиш адабиётшунослари фикрича, бадиий асардаги барча хос хусусиятлар муаллифга алоқадор. Санъат ва адабиётнинг тарихий тараққиёти деган масала бунда иккинчи планга тушади. Биринчи планда асар мазмунининг субъектив томони туради.

XIX аср охири XX аср бошларида бу йўналишнинг Фарбий Европада Э.Эннекен, В.Вундт, И.Фолькельт каби намояндалари фалоият кўрсатди. Француз олими Э.Эннекен ҳар қандай маданий ҳодисани ўрганиш жараёнида анализнинг учта -эстетик, психологик ҳамда социологик жиҳати баравар ишлаши керак. Бундай «Эстопсихология»нинг рус олимлари орасида ҳам тарафдорлари топилди. Россияда А.А.Потебня, Д.Н.Овсянико-Куликовский, А.Г.Горифельд, Т.Райнов, Б.Лезин каби филолог олимлар психологик ҳолатларни тадқиқ қилдилар. Бу йўналиш вакиллари рус адабиётшунослигида тил ва тафаккур, бадиий образ назарияси, бадиий ва илмий ижод психологияси ҳамда бадиий асарни ўзлаштириш масалаларига жиддий эътибор бердилар.

Айниқса, рус адабиётшунослигида А.А.Потебня (1835-1891) шогирди Дмитрий Николаевич Овсянико-Куликовский (1853-1920) психологик йўналишдаги адабиётшуносликка ўзининг муносиб

хиссасини кўшган олимлардан бири сифатида эътироф қилинади. Дастлаб тилшуносликка, сўнгра адабиётшуносликдаги психологизм масалаларига қизиқади. Устози А.А.Потебнядан маърузалар эшитади. Д.Н.Овсянико-Куликовский Харьков ва Петербург университетларида ишлади. Олимнинг «К психологии понимания» асарида англашга доир муҳим қарашларни илгари суради. Зотан, бировнинг қарашларини, бадий асарни тушуниш ва англаш жиддий масала. И.В.Гёте: «никто не понимает другого; никто при тех же самых словах не думает того, что думает другой; разговор, чтение у разных лиц возбуждает различные ряды мыслей...», деган фикрни айтса, В.Гумбольдт, ҳар қандай тушуниш-англаш айна пайтда англамаслик ҳамдир, дейди. Тушунишнинг психологик ҳолатларини шу салафлари изидан бориб ўрганган Д.Н.Овсянико-Куликовский бирор бир одам бошқа бир одамни тўлиқ равишда тушуниши мумкин эмас; агар шу ҳол юз берса, бунда тушунаётган одам ўз индивидуал хусусиятларини йўқотиб бошқа кимсага айланган бўлади, деган фикрларни илгари суради. Бу қарашларни бадий асар доирасига татбиқ қилади. Зероки, бадий тафаккурга эга ўқувчининг айрим қарашлари муаллиф фикрларига мос келса, шу мослик англаб олинади, тўлигинча тушунилмаган бошқа нуқталар барибир қолаверади.

Олим ҳис-туйғу ва фикр муносабаларига ҳам диққатини каратади. Ҳис-туйғуни қуйидагича: «1.Органик туйғу (яъни биологик).2. Органикдан юксак туйғу. 3.Социал туйғу. 4.Социалликдан юксак туйғу», деб таснифлайди ва уларнинг ҳар бирини бадий ижодга алоқадорликда тушунтириб беради...

Хуллас, Д.Н.Овсянико-Куликовский каби олимларнинг психологик методга дахлдор бундай қарашларини ўрганиш фойдали бўлади.

XX аср бошларига келиб психологик йўналиш ғарб адабиётшунослигида психолоанализ таълимотига асосланган ҳолда

давом этди. Оқибатда адабиётшуносликдаги психологик йўналиш нисбатан мураккаблашиб, психоаналитик тадқиқот йўналишлари майдонга келди.

Адабиётшуносликдаги психоанализ шундай тадқиқот усулики, унда бадиий асар, онгсизлик (бессознательный) психологияси билан бирликда талқин этилади. Психоанализда бадиий ижод инсон психикасидаги қандайдир онгсиз, онгости жараёнларидан олинган импульс, инерциянинг рамзий маҳсули сифатида қаралади.

Психоанализ адабиёт тарихида бир қатор сюжет схемаларини ажратиб кўрсатадики, бунда муаллиф муайян даражада қаҳрамон дунёсига кўчган бўлади; ва у муаллиф ўзининг онгости истакларини ёки ижтимоий муҳит ва ахлоқий мезонлар билан трагик тўқнашувларини тасвирлайди. Психоаналитиклар Софоклнинг «Шох Эдип», В.Шекспирнинг «Ҳамлет», М.Ф.Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» асарларида «эдипча комплекс»га алоқадорликда падаркуш-отасини ўлдирувчилар мотивини кўрадилар.

Зингмунд Фрейд ўзининг «Шоир ва фантазия», «Достоевский ва падаркуш» каби асарлари билан адабиёт ва санъатга психоанализни тадбиқ этишнинг намуналарини берди. Мазкур мақолаларида З.Фрейд айна пайтда психоанализ билан адабиётшуносликни аралаштириб-қориштириб юбормаслик кераклигини таъкидлади.

Фрейд психоанализи ижодий жараёнга, «мен»га, биографик маълумотларга эътибор берса, К.Г.Юнг назаридаги психоанализ индивидуал ҳолатларни эмас, балки ботиний шуурнинг миллий ва умуминсоний қирраларини тадқиқ этади. Уларни ўзгармас образли формула-архетип («модел») дея атайди. «Архетип»-Юнг назарида мотивлар ва уларнинг комбинациялар, умумий-катъий психологик схемалар (фигуралар), урф-одат, мифлар, символика, ишонч, психик фаолият (туш кўриш), шунингдек ижодий жараён моҳиятида онгсиз равишда зоҳир бўладиган ҳолатлардир.

Бунда муҳими ижодкор шахси эмас, ижод маҳсули ва онгсизлик рамзи муҳимдир. Макон ва замоннинг тарихий бўлмаган умумий феноменлари («очик» ва «ёпик», «ички» ва «ташқи»), физик ва биологик субстанциялар («эр» ва «аёл», «ўспирин» ва «қарилик»)га диққат қаратилади. Психоанализдаги бундай жиҳатлар француз олими Г.Башлар асарларида учрайди.

Рус адабиётшуносларидан Л.С.Виготский, В.Н. Волошинов, М.М. Бахтин каби олимлар шу масалаларга эътибор берадилар. Дадаизм, сюрреализм, экспрессионизм, мифологизм сингари адабий оқимларга тегишли асарлар психоанализ воситасида тушунтиришга ҳаракат қилинган.

XX асрнинг 20-30 йилларида рус адабиётшунослигида Фрейд таълимоти, психоанализ хусусида баҳслар бироз кучайган эди. Уни тасдиқловчилар, унга ошуфта бўлганлар кўп эди. Ҳар қандай масалани психоанализ асосида тушунтириб беришга интилганлар, психоанализни билишнинг ягона воситаси сифатида талқин қилганлар бўлди. Хорижда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси Владимир Набоков 1931 йилда «Ҳар ким нимани билмоғи керак?» деган мақоласида ёзади: «Жаноблар, агар сизлар бир нарсани яхши ўзлаштириб олмасанглар, яъни ҳаётни жинслар бошқаришини билмасанглар, ҳеч қачон турмушнинг олақуроқ тўқимасида ҳеч нарсани фарқлай олмай ўтасизлар. Суйғилимизга ёхуд биздан қарздор одамга мактубни ёзадиган қаламимиз эркаклик ибтидосидир, бу мактубни ташлайдиганимиз почта қутиси эса – аёллик ибтидосидир». Ёзувчи ҳамма нарсани «жинсий ибтидо»га боғлашга уринади. Ҳатто филологларнинг тасдиқлашига ишонга ҳолда айтадики, «барометр тушиб кетди», «соат ётиб қолди», «барг узилди», «от йиқилди» каби катор иборалар ҳам «йўлдан тойган аёл»га ишора саналар эмиш. Бундай қарашларга ўша 30-йилларда ҳам, XX аср охирига келиб ҳам танқидий муносабатлар билдирилган. Масалан биолог олим Михаил Богословский ўзининг 2000 йилда «Литературная газета»да эълон

этган «У бизни беҳуда тентиратди» деган мақоласида фрейдизм асосларини, ҳар қандай масалани жинсий майлларга ёки тушга боғлаган ҳолда талқин этишни танқид қилади. Олим ёзади: «Бугун қатъий равишда айтиш мумкин – Фрейднинг «катталар кўрадиган тушларнинг кўпчилигида сексуал омилларнинг муҳри мавжуд ва шахвоний иштиёқларни ифодалайди» деган фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Профессор В.Н.Касаткин 16300та тушни таҳлил қилиб, шунини аниқлаганки, бу тушларнинг 13,5 фоизидагина сексуал мавзуд мавжуд экан». Бошқа бир ўринда Фрейднинг айрим қарашлари далилланмаган деган бир фикрнинг билдиради. «Фрейднинг тушларни талқин қилиши – XX асрнинг энг зўр фирибгарлигидир. Бу сохтакорликдан ўзга нарса эмас: у ўрганаётган тушларини ўз ақидалари қолипига жойлашга ҳаракат қилган». Психоанализни бадиий адабиётга, адабий асар талқини учун татбиқ этишда ҳам шундай зиддиятли ҳолатлар бор, албатта. Фрейд таълимоти ҳақиқатни англашнинг ягона, мутлоқлашган йўли эмас. Бу хусусда фикрлар, баҳс-мунозаралар силсиласи давом этиши ҳам табиий. Аммо инсон руҳиятини тўла-тўқис билиши мумкин эмас, чунки инсониятга бу хусусда «фақат озгина илм берилган, холос».

Аммо файласуфлар, психологлар руҳ хусусида фикр юритишдан тўхтамайди. Шунингдек, бадиий асарларида одамнинг ғам-қайғуси, шодлиги, ичкиши, ўқиниши, ички безовталигу хотиржамликни – умуман руҳий ҳолатларни тасвирига иштиёқманд ижодкорларда руҳиятга мурожаат давом этаверади. Дунё адабиётшунослигида психоаналитик метод асосида бадиий асарлар моҳиятини тушунтиришга уриниш мавжуд ҳодиса. Бир қатор мураккаб авторлар-феноменлар ижоди (М.Достоевский, Клейст) шу метод воситасида таҳлил этилди. Психоанализни бадиий шакл ҳамда адабиётнинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги фанлар билан бирлаштириш ҳаракатлари ҳам бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин психоанализнинг икки

йўналиши-экзистенциализм ва структурализм йўналишлари кенг тарқалди.

Экзистенциализм бўйича Ж.П.Сартр, А.Мальро, С. Дубровский каби олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Структурализм бўйича Ж.Лакан, Р.Бартлар муҳим илмий ишлар қилди.

Шўролар замонидаги марксист адабиётшунослар томонидан танқид этилган психоаналитик анализга 70-80-йилларга келиб яна қизиқиш ортди.

Адабиётшуносликдаги психологизм бир томондан бадиий асарлардаги қаҳрамонлар руҳиятини тадқиқ қилса, иккинчи томондан бадиий асар ижодкорининг руҳий оламига, бадиий асарни ўқиётган китобхоннинг маънавий-руҳий дунёсига эътибор беради. Шу боис психологик таҳлилларда биографик метод тажрибаларига ҳам таянади.

Бу йўналишдаги махсус адабий-илмий тадқиқотлар ўзбек адабиётшунослигида кўп эмас. Бироқ психологик таҳлилни туб моҳиятига яқинлашган айрим илмий тадқиқотларнинг ўзбек адабиётшунослигида ҳам юзага кела бошлаганини айтиб ўтиш лозим.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Биографик ва психологик методларнинг энг асосий фарқли қирралари нима?
2. Психоаналитик методнинг илмий-назарий асослари тўғрисида маълумот беринг.
3. Ўзбек адабиётшунослигида муаллифни ўрганиш йўлида ёзилган асарлар қайсилар?
4. Адабиётшуносликда бадиий асар моҳиятини ойдинлаштиришга қайси усуллар кўпроқ фойда беради?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ислон Каримов. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. Т., “Ўзбекистон”. 2009.

3. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1989.
4. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1986.
5. Павел Медведев. В лаборатории писателя. –М. 1971.
6. Теории, школы, концепции. -М. 1975.
7. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Муҳаррир” нашриёти. 2011.
8. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
9. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент. “Академнашр”. 2011.
10. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.
11. “Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.

Интернет сайтлари

5. www.ziyo-net.uz
6. www.edu.uz
7. www.litera.ru.
8. www.Philologs.narod.ru.

3,4-амалий машғулот: Адабий контекст ва шаклга доир методларнинг асосий тамойиллари

Режа:

1. Социологик ва формал методлар моҳияти;
2. Формал методнинг тадқиқот тамойиллари;
3. Структурал метод намояндалари;
4. Бадиий санъатлар ва формал метод хусусида.

Таянч сўз ва иборалар: рус формалистлари, формализм, формал мактаб, социологик, вульгар, ОПОЯЗ, МЛК, шаклбозлик, сўз ижодкорлиги, лафзий санъатлар, структуралпоэтика.

Техник жиҳозлар ва кўргазмали воситалар:

Маъруза бўйича тайёрланган слайдлар, нашр этилган манбалар ва илмий адабиётлар.

Маърузада қўлланилган методика (пед.технология):

Ақлий ҳужум, БББ методлари.

Мавзунинг долзарблиги:

Бадиий асар матни талқинда етакчи саналади. Адабий контекст ва бадиий асарнинг шаклини тадқиқ этадиган методларнинг илмий-назарий асосларини, асосий намояндалари ҳамда таҳлил тамойилларини ўрганиш долзарб саналади. Шу билан бирга ўзбек адабиётшунослигидаги айни методлар билан ёзилган илмий тадқиқотларга эътибор бериш зарур.

Мавзунинг амалиёт билан боғлиқлиги:

4. Бадиий асарнинг поэтик моҳиятини аниқлашда социологик ва формал методлар ёрдам беради.

5. Олий ўқув юртларининг муаллимлари ўзлари таълим бераётган йўналиш бўйича талабаларга адабиётшуносликдаги турли методлар моҳиятини аниқлаштириши ва шу асосда бадиий асар таҳлилини амалиётда намойиш этиши лозим.
6. Адабиётшунос олимларнинг бадиий асарга ёндашув усулларини фарқлаш мавзунинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

60-70 йилларда Ғарбий Европа адабиётшунослигида майдонга келган «янги танқид» структурализм оқимида муайян даражада таъсирини ўтказган формал метод қайсидир маънода рус адабиётшунослари номи билан боғлиқ.

Адабиётшунослик илмида «Формализм», «Формал мактаб», «Формал метод» каби атамалар бор. Уларнинг ўзига яраша тарихи, адабий-илмий тамойиллари ҳамда адабий сиймолари мавжуд.

20-йиллар рус адабиётшунослигида мактаб ҳолига келган «формал мактаб» номини олган йўналиш рус формал методнинг бир кўриниши эди.

Бу йўналиш таркибига ОПОЯЗ (Общество изучения поэтического языка), МЛК (Московский лингвистический кружок) каби жамият ва тўғараклар кирар эди.

Адабиётшуносликдаги формал метод бадиий шаклга энг муҳим назарий-эстетик категория деб қарайди. Бадиий адабиётнинг энг асосий хусусияти шаклда ўз ифодасини топади, деган ғояни илгари суради.

19 аср охири 20 аср бошларида Ғарбий Европада санъатнинг бошқа турларига муносабатда масалан, тасвирий санъат ёки ҳар хил санъат турларини қиёслаш (Г. Вёльфлин, О. Вальцель вакиллари) юзага келди.

Адабиётшуносликда «роман морфологияси», (В. Дибелиус) «Тилга тегишли стилистика» (Л. Шпитцлер) каби йўналишларда кўринади. Ғарбда мазкур формал методнинг методик принципларини «диққат билан ўқиш» ташкил этар эди. Бунда бадиётга, адабиётга тааллуқли бўлмаган тилнинг барча компонентларига менсимай-этиборсиз қаралган. Бунда статистика биринчи планга чиқиб кетади ва бадиий адабиётни генетик ҳолда эволюцион нуқтаи назардан

ўрганиш иккинчи даражага тушиб қолади.

1910-1920 йилларда фаолият кўрсатган рус формал мактаби санъатшунослик концепциясидан эмас, балки лингвистик йўналишдан келиб чиққан ҳолда ўз принципларини ишлаб чиқди.

Рус формалистларида формага ягона, бирдан бир бадий адабиётни тадқиқ этадиган, унинг барча хусусиятларини ифодалайдиган жиҳат деган тушунча вақт ўтиши билан нисбатан кенгайди. Назарий ва тарихий поэтикага доир фикрларида эволюция юз берди. «Мазмуний шакл» («содержательная форма») тарзидаги бирикмалар пайдо бўлди.

Формал метод вакиллари ҳамда тарафдорлари илмий фаолиятида бу концепция ўзининг аниқ маҳсулини берди. Зотан, улар ижодида адабиётшунослик илмида илгари ўрганилмаган, тадқиқ қилинмаган жиҳатлари бор эди. Уларнинг ишлари орасида нутқ шакли ва тил (В.В.Виноградов), қофия, шеър ўлчови ва шеър қурилиши (В.М.Жирмунский), семантика билан шеър конструкциясининг алоқаси (Тинянов), синтаксис ва поэтик интонация (Б.М.Эйхенбаум), оҳанг-ритм ва вазн (Б.В.Томашевский), футуралистларнинг сўз ижодчилиги (Г.О.Вигокур), ритм ва синтаксис (О.М.Брик), сюжет тузилиши (Шкловский), эртакларнинг структурал таҳлили (В.Я.Пропп), поэтик фонетика (Е.Д.Поливанов) каби илмий масалаларнинг тадқиқотларини учратиш мумкин.

Уларнинг ўзига хос услуби бўлиб, ораларида илмий баҳс-мунозаралар ҳам юзага келган. Ҳатто бу формалистлар ўзларининг асарларини бир-бирларига дастхат ёзиб, тақдим этганларида ҳам ўзаро «муҳолиф» эканларини киноявий тарзда билдириб ўтишни хуш кўришган.

Формал метод вакиллари томонидан 20-йилларда структурал поэтика, информация назарияси, белгилар назарияси каби масалалар муҳим ҳисобланган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан

эътиборан бадий адабиётга адабиёт оламидаги тизим сифатида қараш, бора-бора шакл ва мазмун бирлигини ифодалайдиган универсал илмий метод ҳолатига келади.

Формал мактаб ва формал метод марксистик адабиётшунослик томонидан танқидга учради. Шу боис адабиётшунослик луғатларида ҳам «формал мактаб бадий ижодни ўрганишда, асосан реализм ва марксистик принципларига қарши эди», тарзида бу метод ҳамда унинг намоёндалари асарларининг ожизликлари таъкидланар эди.

«Формал мактаб вакиллари кўпроқ бадий тил, турли сўз ўйинлари, эпитетлар, кўчим, синтактик шаклларни тадқиқ этишга катта аҳамият бердилар... Бадий асар композициясида эса, улар нутқ парчаларининг жойлашиши, параллел ҳодисалар, синтактик параллелизмлар ҳамда такрорларни назарда тутадилар». (Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқов «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати», Т, «Ўқит...» 1983 й). Бунга ўхшаш фикрлардан формал методнинг аҳамиятини, бадий асарнинг шаклий жиҳатларини тадқиқ этишда муайян даражада муваффақият қозонганини англаш қийин эмас.

Зотан, рус формал мактаби намоёндалари формал метод тарафдорлари энг аввало бадий адабиётни сиёсатнинг қўғирчоғига айлантиришга, уни жўнлаштиришга, синфийлик, партиявийлик сингари қолипларга солишга қарши турдилар.

Адабиётшуносликдаги мазкур йўналиш қайси замонда бўлмасин, қандай тарзда танқид этилмасин бари-бир улар бадий адабиётнинг асл моҳиятига поэтикага, услубга, тилга асосий диққатни қаратиб, бадий шаклнинг имманент анализига киришган эдилар.

Эҳтимол, формал метод тарафдорлари буни ягона тўғри метод тарзида баҳолаб, бир оз субъективизмга йўл қўйган бўлишлари мумкин. Аммо улар бадий адабиётни шаклий-структурал жиҳатдан талқин этишда муайян хизмат этганлари тарихий факт. Буни биров инкор қилмайди.

Шарқ адабиётшунослиги тарихида ҳам бадиий асарнинг шаклий қирраларига эътибор бериш, шаклга асосланган адабий намуналарни шу асосда талқин қилиш ҳолатлари мавжуд албатта.

---- Структурал методнинг мақсади тарихий ва замонавий маданият негизидаги фикрлаш структурасини тушунтириш ва тавсифлаш ҳамда кўрсатишдир.

Ўзбек адабиётшунослигида бу метод энди-энди куртак ёзиб келмоқда. Аммо шўро замонида бу талқин-таҳлил усулига ижобий муносабатда бўлинмаган. Структурализмнинг тилшуносликка тааллуқли экани айтилган ва баъзи луғатларда: «Айрим адабиётшунослар структурализм методларини адабиётга ҳам татбиқ этмоқчи бўладилар. Лекин структурализм адабиёт учун хавфли бўлиб, у сўз санъатинини ўрганишни чегаралаб кўяди, уни формал қоидаларга тобе қилиш хавфини туғдиради» («Адабиётшунослик терминларининг русча- ўзбекча изоҳли луғати». Т. 1983 й.) каби фикр-мулоҳазалар учрайди.

Мазкур методнинг тарихий илдизлари қайсидир маънода 20-йиллардаги рус формалистлари ижодига бориб тақалади.

Структурализм методининг назарий асослари 1940 йиллар иккинчи ярми 1950 йилларнинг бошларида Францияда юзага келди. Унинг метод сифатида илмий тамойилларини франсуз этнографи Клод Леви Стросс (1908 й. т.) ишлаб чиқди. Ҳеч бир мамлакатда структурализм ҳақида Франциядаги қадар кўп ёзилган эмас. Структуралистлар луғатида «структурализм-бу Леви-Стросс» деган ибора ҳам бежиз майдонга келмаган.

Клод Леви-Стросс расом оиласида 1908 йилда туғилади. Муסיқадан дарс олади. 1935-1938 йилларда Сан-Паулу университетиде профессор, 1946-1947 йилларда АҚШ даги Француз элчихонасида маданият масалалари бўйича маслаҳатчи, 1949-1950 йилларда Париждаги Антропология музейида директор ўринбосари ва бошқа ўқув юртларида профессор вазифасида ишлайди.

Леви-Стросс ўзининг структурал тадқиқотлари учун Жанубий ва Марказий Америкада яшовчи қабилаларнинг мифларини асос қилиб олади. Леви-Стросс фикрича, «тушунтирувчи» ва «тушунувчи» фанлар деган тушунчалар йўқ, гуманитар фанлар табиий фанлардаги метод билан қўшилганда – ассимиляция бўлгандагина ўзларининг чинакам фанлик мавқеига кўтарилади. Зотан, структурал метод қайсидир маънода табиий фан методлари билан ҳам боғлиқдир. (К.Леви-Стросснинг рус тилига «Структуральная антропология» (1958), «Мўшление дикарей» (1962), «Мифологичнўе» (1964-1971), «Пути масок» (1975) каби асарлари таржима қилинган).

Структурал анализда матндаги бадиий унсурларнинг муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Матннинг муайян шаклини чизгилар асосида ифода ҳам қилинади (Л.С.Вўотский. «Психология искусства». М.1968). Шунингдек структура анализда матндаги (кўпроқ мифларда) иккита бинар-қўшалок муносабат алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Масалан мифларда ҳаёт ва ўлим, ўзиники ва бошқаники, эр ва аёл, хом-хатала ва пишган, табиат ва маданият тарзидаги бинар ҳолатларни учратиш мумкин.

Структурал методнинг адабиётшуносликда юзага келишини мутахассислар тилшуносликдаги мазкур йўналишга боғлаб тушунтирадilar. Хусусан, швед структурал лингвисти Ф.де Соссюр ва рус-поляк тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртенэ номини кўп тилга оладилар. Шунингдек, Париж лингвистик мактаби, копенгаген, америка, англия лингвистик мактаби, америкалик семиотик олимлар Ч.Пирса, Ч.Моррис, мантиқшунос Б.Рассел, Р.Карнап, Х.Рейхенбах (XX аср боши) каби олимларнинг хизматлари таъкидланади.

Бугунги кунда структурал методни ўз асарларида мифлардан унумли фойдаланган Д.Ж.Жойс, Т.Манн, Ф.Кафка, Г.Гарсия Маркес каби ёзувчилар ижодига нисбатан қўллаш кучли.

Структурал метод негизида структурал поэтика майдонга

келади. Структурал поэтика матндаги барча элементларни бир бутунликда кўради, уларнинг ўзаро алоқасини ўрганади.

Структурал поэтиканинг асосий усули-методологияси бадиий асарни имманент анализ қилишдир. Структурал метод асосида бадиий асар ўрганилар экан, унинг ёзилган муҳити-даври, ёзувчининг биографияси каби масалаларга диққат қаратилмайди. Тадқиқотчи муайян матн доираси билан чекланади ва тоза «ички анализ» билан шуғулланади.

Француз структуралисти Ролан Барт (1915-1980) структурал анализни ихтиёрий ёпиқ усул деб атайди. Р.Барт ижодининг 50-йиллари структуралистчилик фаолиятига бўлган давр ҳисобланса, 60-йиллар структуралист, 70-йилларда постструктуралист сифатида майдонга чиқади.

Француз адабиётшунослигида 60-йилларда авж олган бу тадқиқот усули бадиий асарнинг ичига киришга интилди. Зотан, структуралистлар маълум даражада бадиий адабиётни социологик ва биографик тадқиқ этишни инкор қилдилар. Уларга «эски» адабиётшуносликдаги «харфхўрлик» маъқул келмайди: санъат асарига ҳаётдан олинган механик нусха тарзида қаралишини ҳазм қила билмайдилар. Автор ва асар муносабатларидан тўғрима-тўғри алоқани саёзлик деб қарайдилар. Зотан, маълум бир шоир севги тўғрисида ёзса, дема шоир шу онда кимнидир севган ва шеър ана шу туйғу изоҳи тариқасида туғилган деган қарашларни юзакилик тарзида тушунганлар.

Шу маънода Р.Барт типдаги адабиётшунослар, «янги танқид» тарафдорлари бадиий асарда биргина фикр-ғоя ҳукмронлик қилмайди, балки унда бир неча фикр-ғоялар бўлиш мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳар давр ундан ўзига хос маъно-мазмун топади. Асар ўз моҳияти ила турланади, тусланади. «Бадиий асарнинг рамзийлиги ҳам шунда: рамз-бу образ эмас, бу фикр-ғоялар кўплигининг нақ ўзидир» (Р. Барт).

Р.Барт структурализмга фаолият сифатида қарайди. «Структурализм как деятельность» деган мақоласида, структуралистнинг мақсади муайян объект функциясининг қоидаларини қамраб олиш орқали объектни қайта тиклашдан иборат. Структура-бу моҳиятдир, предметнинг инъикосидир. Йўналтирилган, манфаатли инъикосдир... Структурал фаолиятдаги одам воқеликни олиб, қисмлаб чиқади, сўнгра қисмларини қайта бирлаштиради, деган қарашларни ёзади. Структурализм моделлаштирувчи фаолият, шу маънода илмий структурализм билан, адабий, санъатга доир структурализм орасида фарқ йўқ.

Ҳар иккаласи ҳам мимесисга алоқадор. Бундаги мимесис субстанциялар (туб моҳият, ҳаракатдаги материя) аналогиясига (қиёсига) эмас, балки функциялар аналогиясига асосланади.

Р.Барт бу фикрига далил ўлароқ Трубецкий фонетик объект қурганлигини, Жорж Дюмезиль функционал мифологияни ишлаб чиққанлигини, Пропп халқ эртакларини структурал анализ этганлигини, Клод Леви Стросс тотимистик фикр-қарашлар функцияси аналогиясини ўтказганлигини, Ж.Г.Гранже иқтисодий фикрнинг формал қоидаларини ишлаганлигини, Ж.П.Ришар Маллерме шеър ларидаги оҳанг характерини тадқиқ этганлигини келтиради.

Структурал фаолият икки махсус операцияни ўзида жамлайди: қисмлаш ва қайта бирлаштириш.

Р.Барт ижод моҳияти устида фикрлар экан, «ёзувчи» (писатель) ва «ёзғувчи»ни (пишущий) ҳам структурага боғлаб фарқлайди. «Ёзувчи функция бажаради, ёзғувчи фаолият билан машғул бўлади». Булардан бирини грамматикадаги «эга» (ёзувчи) ва «кесим» (ёзғувчи)га ўхшатади. «Ёзувчи-тоза моҳият». «Ёзувчи шундай кишики, гарчи илҳоми бўлса-да, ўз сўзига ишлов беради, уни пардозлайди. Унинг функцияси шу ишга сингиб кетади. Ёзувчилик фаолиятида икки хил қоида бор:-санъат қоидаси (композиция, жанр,

хат) ва ҳунар (сабр-тоқат ва меҳнат, тузатиш ва мукаммаллаштириш). Ёзувчини ҳар доим нима учун дунё шундай? У ҳақда қандай ёзмок керак? деган саволлар безовта этади. Ёзувчи ўша жумбоқлар устида бош қотириб ҳар хил алдамчи йўлларга кириб чиқади. Саволга охириги жавоб топилмайди.

Р.Барт ёзувчиларни «транзитив» (ташувчи) тип одамлар, дейди. Улар ўз олдига гувоҳлик, тушунтириш ва ўргатиш каби мақсадларни кўяди. Ёзувчида айрим диалектлар (марксистча, христианча, экзистенциялистча) фарқланиш мумкин, аммо ёзувчи сўз устида моҳият эътибори билан ҳеч қандай техник ишни қилмайди.

Ёзувчидаги энг асосий хусусият-соддалик, гўллик.

Ёзувчи ўз сўзлари билан дунёдаги тушуниксиз нарсаларни ойдинлаштирдим, дея ўйлайди. Воқеликка бир хил маъно беради ёки ҳеч бир баҳссиз масалалардан хабар беради.

Ёзувчининг функцияси-ҳар доим ва ҳар жойда ўйлаган нарсасини тўхтовсиз айтиш бўлади.

Зотан, ёзувчида буларнинг мутлоқо акси, сўзи-транзитив эмас, сўзи дунё ҳақида қатъий ва охириги эмас, кўп маъноли.

Р.Барт «Муаллифнинг ўлими» («Смерть автора») номли мақоласида бадиий асар ва унинг ижодкорига мутлоқо янгича ёндашади. Қадим-қадимларда ёзилган оғзаки ижод намуналарида муаллиф қиёфаси кўринмас эди; уни қандайдир шаман ёки айтувчи бажарар эди. Муаллифнинг биринчи ўринга кўтарилиши янги замон маҳсули; у ўрта аср охирида урф бўла бошлаган.

Муаллиф адабиёт тарихи дарсликларида ҳам, адабий мулақот ва ёзувчи кундаликларида ҳам ҳукмронлик қилади.

Танқидчилар Бодлерни ҳам, Ван Гог ва Чайковский ижодини ҳам шахсий ҳаётидаги ғалати касаллик- воқеликларга боғлаб тушунтирадилар.

Гарчи муаллиф ҳокимияти чексиз қувватли бўлса-да, айрим ижодкорлар уни маҳв этишга уриндилар.

Француз адабиётида дастлаб бу услубни Малларме, сўнгра М.Пруст ўз ижодида қўллади.

Муаллиф матнини ўзлаштириш гўё матнни топташ, унга охириги маънони бериш ва хатни чеклаб қўйишдир.

Танқидчи асар муаллифи ва унинг фикрини қамраб олишга, муаллифнинг ягона ғоясини топишга уринади. Агар асардан муаллиф топилса, демак матн «тушунтирилган», танқидчи ғолиб келган бўлади. Таажжубланарли эмаски, узоқ йиллардан бери муаллиф ҳокимлиги-бу танқидчи ҳокимлиги ҳам эди. Энди эса муаллиф маҳв этилган жойда танқидчи ҳам маҳв бўлди, ўлди.

Яъни, муаллиф позицияси аниқ кўриниб турмаган асарларни адабиётшунослик талқин этишга ожиз қолди. Ва бу ожизлик оқибати хайрлидир, эҳтимол. Бадий асар бир маънолик эмас, кўп маънолилиқ касб этар, балки Р.Барт фикрича асардаги барча тасвир, диолог, баҳс ва матннинг бошқа элементлари муаллифда, эмас балки ўқувчи-китобхонда мужассамлашади.

Китобхон-асарнинг ҳар бир парчаси муҳрланиб қоладиган борлиқдир, зотан, китобхон биографияси тарихсиз, психологиясиз - ҳеч нима.

Ўтган танқидчилик-адабиётшунослик китобхондан узоқ эди; унинг учун адабиётда фақатгина ёзувчи бор эди.

«Биз энди биламизки, асарнинг истиқболини таъминлаш учун у ҳақдаги мифдан қутулмоқ лозим. Яъни бу у китобхоннинг туғулишини муаллифнинг ўлими билан тўлашга тўғри келади, демакдир».

Социологик методда ижтимоийлик, биографик методда автор шахсияти устунлик қилса, структурал методда асарнинг нисбатан мустақиллиги ва ички анализга кўп эътибор қаратилади. Шу боис адабиётшунослигида «имманент анализ», «микроанализ» сингари тушунчалар бевосита бадий асарнинг ички имкониятларини намоён қилиш жараёнида қўлланмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослари жуда кўп

адабий манбаларга янгича мезонлар – миллий кадрятлар, бунёдкор ғоялар, Ватан ва миллат манфаати, умуминсоний ҳамда жаҳон адабиётшунослиги мезони билан ёндаша бошлашди. Бу давр ўзбек адабиётшунослигида илмий тадқиқот методларининг асосчилари баробарида талқин тамойилларига, намояндалари, майдонга чиқиши ва генетик асосларига эътибор берилди.

Шўро замонида ҳукмрон мафқуранинг методологик кўрсатмаси адабиётшунослар ижодини чеклаб қўйган эди. Бугунги адабий матнлар талқинига ёндашувларда ўзига хос эркинлик мавжуд. Аслида бадиий асарни оддий китобхондан фарқли ўқийдиган адабиётшуносларнинг ўз билимлари амалиёти, яъни илмий-адабий таҳлил, тасниф ва талқин жараёни шуни тақазо қилади.

Сир эмаски, XX асар ўзбек адабиётшунослигида социологик метод етакчи бўлган эди. Бу ёндашув инерцияси бугунги адабий ҳаётда ҳам баъзан сезилади. Бироқ адабиётни ижтимоий ҳаёт, инсонларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший муаммоларга боғлаб ўрганиш ҳар доим кун тартибда туради. Зеро, илмий тадқиқот учун танланган ҳар қандай метод объект манба табиатига мувофиқ келиши лозим. Битта асар-объектни бир нечта методлар билан ўрганиш мумкин. Бунда ҳеч ғалатлик йўқ. Қўлланган методлардан бирортаси кўпинча етакчи, бошқалари ёрдамчи бўлади. Бадиий асар табиатига мос келмайдиган методлар билан ёндашув адабий асар моҳиятини нотўғри талқин этишга ёки юзаки, сохта, ғайритабиий хулосалар чиқаришга олиб келади. Шунинг учун тадқиқотчи бадиий асарда илгари сурилган асосий ғояси ва муаллиф дунёқарашини теран англаши лозим. Бу англаш ҳодисаси эса инсоннинг билими, тажрибаси, эстетик диди ва бошқа шу каби рухий-психологик омилларга боғлиқ бўлади.

Дунё адабиётшунослиги илмида бадиий асарни тадқиқ қилишнинг турли методлари мавжуд. Илмий фикр баёнида жуда кўп ишлатиладиган “метод”, “методология”, “методика” атамаларининг аралашиб кетган ҳоллари кузатилади. Ҳолбуки, “метод” сўзи юнонча

бўлиб, луғавий маъноси “бирон нарсага бориш йўли”, истилоҳий жихатдан эса “мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият” деган маънони билдиради. Рус олими Ю.Б.Борев “метод”ни фикрлаш усули, “методология”ни метод назарияси, “методика”ни методнинг хусусий усуллари тизими тарзида тушунтиради. Унинг фикрича, қўлланилаётган назария билан кузатилаётган объект орасида симметрик ҳолат бўлиши керак. Метод шу ҳолат асосни ташкил этади. Бунда метод фан ва воқелик, таҳлил ва факт, назария ва амалиёт, концепция ва экспериментал маълумотлар оралиғини эгаллайди¹. Метод – билиш воситаси. Шу восита билан ўрганилаётган объектни тафаккурда қайта ҳосил қилинади. Метод муайян фан соҳасининг асослари, билиш назарияси, илмий билиш тамойилари билан чамбарчас боғлиқ.

Адабиётшунослик тарихида бадий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик, тарихий-генетик, тарихий-типологик ва бошқа ёндашув усуллари кенг қўлланилади. Ҳозирги даврда дунё адабиётшунослигида методлар кўпчиликни ташкил этади; уларнинг салмоғи ортди, сони юзга яқин. Бу методларни нисбатан умумлаштириб муаллифга, адабий матнга, китобхонга тегишли методлар сифатида таснифлаш мумкин. Адабиётшунослик методлардан биронтасига ортиқча қиймат бериш ёки яқин ўтмишда бўлганидек, “буржуа адабиётшуносларининг методлари” сифатида асосиз танқид этиш тўғри эмас. Ҳар бир методнинг ўз назариясига, ўз тарихи, ўз тадқиқот усули, ўз мухлислари ва айниқса, барчага баравар бўлган объекти борлигини эътиборда тутиш лозим. Бадий асар ҳақиқатини ойдинлаштириш учун ўша асар табиатига тўла-тўқис мос келадиган усулни танлаш яхши самара беради. Чунки ўринли танланган йўриқнома мақомидаги метод тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадига етказди; вазифалар ижросини таъминлайди.

¹ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М., 1981. – С. 47-66.

Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлиллар тарихида уч ҳолат кузатилади.

1 Ғарб адабиётшунослигидан олинган методларга ўзбек адабиёти намуналарини жойлаштириш.

2 Ўзбекона адабий-назарий қарашлар билан дунё адабиётшунослигидаги талқин тамойилларини уйғунлаштириш.

3 Шарқ мумтоз поэтикаси мезонларига таяниш.

Ҳап булардан қайси бири тўғри ёки нотўғри, қай бири маҳсулдор ёки каммаҳсуллиги ҳақида эмас. Хўш, қайси бир метод бадиий асар мазмун-моҳиятини деярли тугал очиб бера олади? Нега “деярли”? Чунки ҳеч ким ҳақиқий санъат асарини юз фоиз тугал, мукамал талқин қилиш қувватига эга эмас. Ҳатто бебаҳо санъат асарини бунёд қилган муаллиф ҳам ўз асарини ягона ҳақиқат сифатида тушунтира олмайди.

Тўғриси, гарчанд айрим тадқиқотлар “Кириш”ида етакчи методлар эслаб ўтилса-да, таҳлилда ўша усулларнинг самараси кўпинча сезилмайди. Бунинг сабаби нафақат анъанавий қолипларда фикрлаш, балки ялқовлик ортидаги хабарсизлик ҳамдир. Методлар моҳияти, таснифи, талқин тамойиллари, илмий-назарий асосларидан беҳабарлик натижасида адабий мақолаларда, илмий тадқиқотларда бир хиллик, стилистик тарафдан жиндай таҳрирли, бир-бирларига ўхшаш ва эгизак ишлар майдонга келиши мумкин. Ҳолбуки, адабиётшунослик методларини махсус ўрганиш, шу соҳа янгиликларини билиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш ҳар қандай адабиётшунос учун жуда муҳим. Чунки бошқа барча фан соҳалари каби тез ривожланаётган дунё филология илми ҳам янгиликлардан холи эмас. Ҳозирда структурал анализ, психоаналитик усул, имманент анализ, контекстуал талқин, экзистенциал ёндашув, лингвопоэтика, фенемологик метод, “янги танқид”, герменевтик метод, интертекстуаллик, интуитив метод, мифопоэтика, сацио-генетик метод ва бошқа назарий тушунчаларда дунё адабиётшунослиги катта тажрибага эга. Албатта, ўз мустақил

дунёқарашига, ўз айтар сўзига эга адабиётшунос бундай анъанавий ва янги методларни пухта ўрганиши, миллий тафаккури чиғириғидан ўтказиши, синтезлаб ўзлаштириши шарт.

Дунё илмий-фалсафий қарашлар тарихида адабий ҳақиқатларни билишнинг учта усулига эътибор берилади:

1 Ўргимчак йўли-усули: Фақат ақлий тафаккурга таянадиганлар ўргимчакка ўхшаб, “ўз ақлларида фикр толаларини тўкиб чиқаради”. Оқиллик етакчилик қиладиган бу усулда олимлар ўзлари учун ўзларига қоидалар ясаб олишади.

2 Чумоли йўли-усули: Тажрибани хуш кўрадиган тафаккур эгалари чумолига ўхшаб фактлар жамлайди ва шу билан қаноатланади. Кўпинча ташқи омилларга эътибор беради; топганини аралаштириб “қозон”га ташланади.

3 Асалари йўли-усули: Гўё “боғ ва дала гулларида манбалар саралаб олинди”, ўз қобилияти асосида ўша манбаларни тафаккурида қайтаб ишлаб ўзлаштириладиган асалари – усулидан фойдаланувчилар тажриба билан алқ-идрокни ўзаро мустаҳкам боғлайди.

Шу эътибордан бугунги адабий-илмий ҳаётга назар солинса, “асалари”га зарурат кучли экани, “чумоли”нинг кўпроқ оммага хослиги ва “ўргимчак” йўли танқидга учраши ҳам мумкинлиги маълум бўлади.

Бугун ўзбек адабиётшунослигида дунё тажрибасидан ўрганилаётган бир нечта методлар ибтидоси кузатилади. Уларга нисбийлик хос; бирортасини ўзгармас ва ҳаққоний метод сифатида қараш ўринли эмас. Ҳар бирида ютуқ, бадиий асарнинг қайсидир қиррасини очиб берадиган қалит бор. Айни дамда истаган киши ҳар бир методдан нуқсон топиши ҳам мумкин. Олим дунё адабиётшунослигида мавжуд барча методларни ўрганиши лозим. Заруратга кўра, янги методларнинг талқин тамойиллари тизимини ишлаб чиқиши ва уларга мос ном қўйиши керак. Жаҳон адабиётшунослигида кўрилмаган, шарқ адабиётшунослигида

қўлланган, эҳтимол, ғарб адабиётшуносларида зарурати бўлмаган бадиий асарга ўзига хос ёндашув усулларини ҳам дадил илмга олиб кириш ва сахнага олиб чиқиш, ҳодисага мос илмий атама ҳамда тушунчаларни ўртага ташлаш лозим.

Мумтоз шарқ адабиётшунослиги бадиий асарни шакл ва мазмунига кўра талқин этиш, ўзига хослигини кўрсатиш ҳамда таснифлашда ўз мезонларига ҳам эга, албатта. Бугунги ўзбек адабиётшунослиги шарқ адабиётшунослиги тарихидаги адабий мезонлар билан жаҳон илм-фанидаги усулларни уйғунлаштирган-синтез қилган ҳолда илгарилаши лозим.

Бадиий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан айнан “сўз санъати” экани билан ажралиб туради. Бадиий сўз ва уларнинг турли шаклдаги бирикувлардан бадиий матн майдонга келади. Бадиий адабиёт учун образли тафаккур ва тафаккур тарзи учун эстетик таъсирга эга сўз муҳим саналади. Поэтик сўз орқали турли образлар, моддий ва маънавий борлиқ тасвирланади. Шунинг учун тил бадиий адабиётда энг асосий унсурлардан бири саналади. Инсоният жамиятидаги сўз, тил, нутқ ҳодисасини адабиётшунослик ҳам, тилшуносликнинг индивидуал тарзда тадқиқ қилади.

Тилшунослик махсус фан сифатида тилнинг умумий табиатини, тилнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, коммуникацион томонини, тил фалсафасини, тилнинг грамматик қурилишини, ареал, социал жиҳатларини ўрганади. Айни чоқда, стилистика қисмида турли услубларни текширади. Услублар ичида бадиий услуб бевосита бадиий асар тилидаги хусусиятларни текширишга қартилган тилшуносликнинг бир соҳаси саналади. Аслида, тил ва адабиётни бир биридан ажратиб қараб бўлмайди. Бадиий матн ичидаги сўз алоҳида луғатлардаги сўздан, бадиий асар тили қолиплаган адабий тилдан, бадиий матн айнан маддийлашган бадиий асардан фарқ қилади.

Хўш, лингвистик метод деганда нимани тушуниш керак? Бадиий асар тилига лингвистик ёндашув қандай бўлади? Аслида

барча адабиётшунослик методлари бадий асарни текшириш жараёнида асар тилига, нутқ қурилишига алоҳида урғу берадиган ўринлари мавжуд. Эстетик, биографик, формал, структурал, психологик жиҳатдан ёндашувлар жараёнларда бадий асар тилига диққат қилинмаслиги мумкин эмас. Бадий асар тили адабиётшунослик ва тилшунослик фанларининг оралиғидаги ўринни эгаллайди. Ҳар икки фан соҳаси учун ҳам объект саналади.

Лингвистик воситалар ёрдамида бадий асарнинг ғоявий-эмоционал қирраларини кўрсатиш мумкин. Бунда матндаги бадий сўзга, такрорларга, янги сўзларнинг пайдо бўлишига, эски сўзларнинг қўлланилиш доирасига, умуман олганда, бадий тасвир воситаларига диққат қаратилади.

Таъкидлаш лозимки, айрим олимлар олим жуда содда қийслаш билан, бадий адабиётнинг материали - сўз, тил... Бадий адабиёт тил асосига қурилган. Буни китоб қоғоз ва типографик бўёқлардан таркиб топганига ўхшатиш мумкин, деб ҳисоблайди (Гуковский Г.А.)

Бадий матнни лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилганда автор образи, ровий, ҳикоячи, лирик қаҳрамон, нутқ типлари, матн ритми ва бошқа турли унсурларга диққат қаратилади. Албатта, бадий матн марказини автор образи эгаллайди. Матн услубини, нутқдаги турли оҳанглар алмашинувини, автор нутқи билан ровий нутқини айнан лингвистик метод воситасида аниқлаштирилади.

Адабиётшунос олимлар таъкидлашича бадий асар матни мураккаб структурадан иборат. Унда 1.ғоявий-эстетик (мазмун жиҳати), 2. жанр-композицион (шакл жиҳати) ҳамда тил сатҳи (нутқнинг эстетик тизими) фарқланади. Табиийки, бу структура сатҳларга ажратилиш шартли. Қолаверса, бадий асар майдонга келишидаги психологик жараёнлар, уни ўқиш, ўзлаштириш, тушуниш, тушунтириш ва бошқа субъектив ҳолатлар ҳам мавжуддир.

Ўз навбатида бадий асарнинг тил сатҳи фонетик, лексик

(семантик), грамматик (морфологик ва синтактик), стилистик ва бошқа бир қатор жиҳатларни қамраб олади. Бадиият тилда акс этади. Лекин бу бадииятни фақатгина нутқий ҳодислардан, троплар ёки бошқа тасвирий воситалардангина иборат эмас. Образлилик текширилганда тилдаги турли поэтик элементлар билан бирликда асарнинг композицияси, ривоя усули ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор берилади.

Бадиий матнни лингвистик анализ қилишда қуйидаги тамойиллар муҳим саналади:

-бадиий матнига ғоя ва мазмун, образлар тизими ва тили нуқати назаридан комплекс тарзда қараш;

-бадиий матнга конкрет-тарихий ёндашиш, яъни тилидаги ўз даврига хос лексик қатлам ҳамда сўз бирикмаларини, гап қўрилишларидаги ўзига хосликни инобатга олиш;

-бадиий асар тилига воқеликни инъикоси эттирувчи ўзига хос шакл ҳодисаси сифатида қараш;

-бадиий асарнинг рецепиенитга, яъни китобхон фаолиятига, унинг муаллиф билан “ҳамкорлиги” ҳамда бадиий матн китобхон тафаккурида кенгайиш ҳодисасига диққат қаратиш;

-матн талқинида битта усулни мутлоқлаштирмаслик, бошқа анализ йўсинлари борлигини ҳам эсда сақлаш лозим.

Бадиий матнни лингвистик анализи турлича бўлиши мумкин. Қайсидир тадқиқотда лингвистик комментарий, яъни сўз ва сўз бирикмаларини изоҳи устиворлик қилади. Бевосита лингвистик анализда эстетик қийматга эга тасвирий воситалар, образлилик, калит сўзлар, троп ёки фразеологик бирликлар текширилади. Шунингдек, бадиий матн комплекс равишда – асар ғояси, шакл ва мазмуни бадиий асар тилига алоқадорликда текширилади. Бундай таҳлил сўзнинг матндаги ҳаётини тўлақонли тадқиқ қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. М. 1989.
2. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. М. 1986.
3. Каримов Б. “Адабиётшунослик методологияси”. Т. “Мухаррир” нашриёти. 2011.
4. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. «Шарқ» нашриёти. 2004.
5. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi -T., O'qituvchi. 2005.
6. Хализев В. Е. Теория литературы. Учебник.-М.: «Высшая школа», 1999

Қўшимча адабиётлар

1. Abduylla Sher. Estetika. –Т. “O'zbekiston”, 2014.
2. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. –Т., Янги аср авлоди. 2004.
3. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. –Т. “Mumtoz so'z”, 2013.
4. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведения. Л. 1979
5. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: «Ўзбекистон», 2014.
6. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. “Академнашр”. 2014.
7. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018.
8. Норматов У. Ижод сеҳри. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
9. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. «Фан», 2006.
10. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент. “Академнашр”. 2011.
11. Шарқ мумтоз поэтикаси (Ҳ.Болтабоев талқинида). -Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2008.
12. Теории, школи, концепции. М. 1975.
13. Қосимов Б. Миллий уйғониш. «Маънавият». 2002

- 14.Қуроноф Д., Раҳмоноф Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Т: “Фан”, 2008.
- 15.“Ўзбек адабий танқиди” Антология. -Т., “Turon-Iqbol”. 2011.
- 16.Ҳожиаҳмедов. А. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т., Шарқ,1999
- 17.Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. “Фан”.-Т.: 2011.
- 18.ХХ аср ўзбек адабиёти масалалари. “Фан”.-Т.: 2012.

Интернет сайтлари

1. www.ziyo-net.uz
2. www.edu.uz
3. www.litera.ru.
4. www.Philologs.narod.ru.

КЎЧМА МАШҒУЛОТ

1-кўчма машғулот.Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги газета-журналлар таҳрири

1. Ёзувчилар уюшмасининг нашрлари билан танишиш. 2. “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари таҳририятида учрашув. 3. “Жаҳон адабиёти” журнали ходимлари билан суҳбатлашиш.

V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.

- 1.“Ойбек ҳаёти ва ижодий меъроси” модулини биографик метод асосида ўрганиш
- 2.Муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиб Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романини ўқитиш
- 3.Огаҳий ҳаёти ва ижоди манбалари” модулини ўқитишда концептуал жадвал график органайзеридан фойдаланиш
- 4.Боборахим Машрабнинг “Манбаи нур” асарини модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш
- 5.Антик давр Юнон адабиёти модулини ўқитишда тушунчалар таҳлили методидан фойдаланиш
- 6.“Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш
- 7.“Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячиликдаги маҳорати” модулини ўқитишда матн билан ишлаш технологиясидан фойдаланиш
- 8.“Бобурнома – меъмуар жанрнинг нодир намунаси” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш
- 9.Муаммоли таълим технологияси асосида Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” драмасидаги характер мантиғини ёритиш
- 10.“Ўзбек халқ кўшиқлари” модулини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейслар учун кейс-стади методи асос саналади. Зеро “Кейс-стади” - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетига амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/Қанақа (How), Нима-натижа (What).

Модул бўйича қуйидаги кейсларни ечиш мақсадга мувофиқ саналади:

1-кейс. Адабиётшунослик фани психология билан чамбарчас боғлиқ. Адабиётшуносликдаги психологик ва психоаналитик методда асосий эътибор қандай адабий-назарий унсурларга қаратилади?

Фикрингизни асослаб беринг.

2-кейс. Бадиий асарда асосан ижодкор ўз дунёсини бадиий шаклда баён қилади. Бундай қараш қайси адабиётшунослик методи доирасида ўрганилади. Бадиий асар билан муаллиф орасини боғлайдиган параллел тушунчаларни илмий-назарий жиҳатдан изоҳланг. Муаммони мисоллар билан тушунтиринг.

3-кейс. “Санъат тарихи исмларсиз бўлсин” тамойили кимга тааллуқли? Қайси илмий методда шу тушунча талқин қилинади? Бу методнинг дунё адабиётшунослигидаги намояндалари кимлар? Замоनावий ўзбек адабиётшунослигида шу тамойилга мос келадиган метод борми? Фикрингизни адабий мантлардан олинган мисоллар билан исботланг.

4-кейс. Қуйидаги “пирамида”ни қандай тушунасиз ва уни қайси методга боғлаш мумкин?

die zeit vergeht
lustig
luslustig
lusluslustig
lusluslustigtigtig
luslusluslustigtigtigtig
lusluslusluslustigtigtigtigtig
luslusluslusluslustigtigtigtigtigtig

5-кейс: Ушбу топшириқда аниқ бир ҳикоя матни танланади. Асарнинг муаллифи, ёзилган даври кўрсатилмайди. Тингловчи муаллифни ҳикоянинг услубига қараб аниқлаши лозим бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ижодий метод билан адабиётшунослик методларининг қандай фарқи бор?
2. Ижодий метод турлари нима?
3. Адабиётшунослик методлари ва дунёқараш масаласи фарқлаб беринг;
4. Адабиётшунослик методологияси ва методларининг фарқи нимада?
5. Дунё илм-фанида адабиётшунослик учун методологик асос бўладиган қандай илмий йўналишлар мавжуд?
6. Биографик методни изоҳланг;
7. Биографик асоси нима?
8. Ижодий жараён ва ижод психологияси алоқаси қандай?
9. Ижодкор ва унинг дунёқараши масаласи тушунтиринг;
10. Бадиий адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик нима?
11. Мазмун ва шакл уйғунлиги масаласини изоҳланг?
12. Адабиётшуносликдаги вульгар-социологизм нима?
13. Бадиий асар мавзуси ва ижодкор дунёқарашини изоҳланг;
14. Биографик метод тамойиллари нималардан иборат?;
15. Биографик метод асосида ёзилган қандай асарларни биласиз?

16. Социологик метод нима?
17. Социологик метод вакиллари кимлар?
18. Социологик методнинг фалсафий асоси;
19. Дунё ва ўзбек адабиётшунослари томонидан социологик метод асосида ёзилган илмий асарлардан қайсиларини биласиз?
20. Социологик метод ва дунё адабиётшунослиги;
21. Вульгар социологизм моҳияти;
22. Образ ва образлилик тушунчалари қандай фарқланади?
23. Инъикос назариясининг санъат учун аҳамияти қандай?
24. Типиклаштириш ва индивидуаллаштириш адабиётнинг муҳим шарти сифатида;
25. Формализм хусусида;
26. Формал метод моҳияти;
27. Рус формалистлари;
28. Рус формал мактаби;
29. Лингвистик метод;
30. Психоллингвистика хусусида;
31. Психологик метод;
32. Психология ва адабиётшунослик;
33. Бадиий асарнинг психоаналитик талқини нима?
34. Психопозетиканинг назарий асоси;
35. Структурал метод;
36. Структурал метод имкониятлари;
37. Биографик метод моҳияти тушунтириш;
38. Методология, метод, усул ва услуб тушунчаларини фарқланг.
39. Ғарб ва Шарқ классицизми ва мимесис назарияси
40. Ўзбек адабиёти ва биографик метод масаласини тушунтириш;
41. Структурал поэтиканинг моҳияти;
42. Ўзбек адабиётшунослигида структурал метод ;
43. Бадиий асарни комплекс анализ қилиш масаласи тушунтириш

VII. ГЛОССАРИЙ

термин	Ўзбек тилидаги шарҳи
“Адабиёт”	- арабча сўз бўлиб, у “одоб” (кўплик шакли “адаб”) сўзидан олинган.
“Адабиётшунослик”	- сўзи ҳам икки қисмдан иборат бўлиб, у “адабиёт билан шуғулланиш”, “адабиётни ўрганиш” маъносини англатади. Бундан аён бўладики, адабиётшунослик адабиёт ҳақидаги фандир.
“Адабиёт тарихи”	- адабиётнинг тараққиёти тамойилларини, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ижодкорларнинг ижодий фаолиятини ўрганади.
“Адабиёт назарияси”	- адабиёт ва ижтимоий ҳаёт орасидаги боғлиқликни, сўз санъатининг кишилик жамияти тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланишини, адабий тур ва жанрлар табиатини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, бадиий асар тузилиши, уни ташкил этувчи қисмларни, асарнинг тили, ифода услубини, бадиий-тасвирий воситаларни, адабий йўналиш, адабий услуб, адабий мактаб, ижодкорнинг бадиий маҳорати каби масалаларни ўрганади.
“Адабий танқид”	- жорий адабий жараённи таҳлил қилади. Яратилаётган асарларнинг ғоявий-эстетик қимматига баҳо беради. Адабий жараёнда пайдо бўлаётган ўзгариш, йўналиш, услубларни аниқлайди. Асарларнинг кишилар дид, тафаккурига таъсири ҳақида фикр билдиради.
Филология	- грекча сўз бўлиб, philo - <i>севаман</i> , logos - <i>сўз, билим</i> демакдир.
Образ	- сўзнинг ўзаги “раз” (чизик) бўлиб, ундан “разить”(чизмоқ, йўнмоқ, ўймоқ), ундан

	<p>“образить”(чизиб, ўйиб, йўниб шакл ясамоқ) пайдо бўлган. Ана шу “образить” сўздан “образ” атамаси вужудга келган. Бу сўз “умуман олинган тасвир” маъносини билдиради. Образ ҳам умумлашган, ҳам индивидуаллашган хусусиятни ўзида гавдалантирган ҳодисадир.</p>
Бадийлик.	<p>- ҳодисаларни ҳаётга, жонли манзараларда, кишини таъсирлантирадиган, унда тасаввур уйғотадиган қилиб тасвирлаш. Бадийлик барча санъат турларига хос ҳодиса</p>
Бадий тўқима	<p>- образнинг ички-ташқи қиёфаси, мақсад, интилишларини намоён этувчи воқеаларни ўйлаб топишдир.</p>
Реалистик образлар	<p>характер-хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари ҳаётдаги кишиларга мос келадиган образлар</p>
Романтик образлар	<p>- ижодкорларнинг орзу-хаёлларини ифода этган кишилар сиймосидир. Уларда ижодкорларнинг орзу-умидлари, жамият тўғрисидаги, кишилар ҳақидаги ниятлари намоён бўлади.</p>
Хаёлий-фантастик образлар	<p>- романтик образларга ўхшаб кетади. Бу образларда ижодкорларнинг ҳаётга идеал муносабати, дунёқараши ифодаланган бўлади. Хаёлий-фантастик образлар мўъжизавий, илоҳий хусусиятлар эгаси қилиб кўрсатилади. Халқ достонлари, эртакларидаги қаҳрамонларни хаёлий-фантастик образлар дейиш мумкин.</p>
Мажозий образлар	<p>- муайян нарса-ҳодисалар қиёфасини умумлаштириб ифодаловчи рамзий образлардир. Жумладан, сўфиёна адабиёт асарларида ёр дейилганда Худо назарда тутилади. Гул, лола муҳаббат, севги изҳори рамзи</p>

	саналади.
Аллегорик образлар.	- мажозий образларнинг бири саналади. Аллегорик образлар, одатда, масал ва эртакларда бўлади. Масал, эртакларнинг асосий қаҳрамонлари эса ҳайвонлар, жониворлардир. Уларда айрим одамларнинг феъл-атворидаги камчилик, иллатлар кўрсатилади
Характер	- ўз хатти-ҳаракатлари, мақсад, интилишлари, ўй-кечинмалари, дунёқараши, феъл-атвори билан алоҳида ажралиб турадиган тўлақонли образдир. Шунинг учун ҳар қандай образ бадиий характер бўла олмайди. Асардаги етакчи қаҳрамон ҳар жиҳатдан фаол бўлса, ўзининг барча жиҳатлари билан ёрқин кўриниб турсагина у бадиий характер бўла олади.
Персонаж	- бадиий асардаги барча қаҳрамонлар, жумладан, бадиий характер даражасига кўтарилмаган қаҳрамонлар ҳам персонаж ҳисобланади.
Шакл ва мазмун	- воқеа-ҳодисаларнинг ташқи кўринишини акс эттириш орқали уларнинг ички моҳиятини гавдалантириш.
Мавзу	- ижодкор танлаган ҳаётий воқеалар, у ёритган асосий муаммоларнинг умумлашмаси. Адабий асар учун асос қилиб олинган фикр ва мақсад унинг мавзусидир.
Ғоя	- ижодкор мақсадини бошқариб, унинг қарашлари, ҳодисага ёндашишларини маълум бир изга солиб турадиган ана шу ҳодиса.
Конфликт	- латинча <i>conflictus</i> деган сўз бўлиб, “тўқнашиш” деган маънони билдиради. Зиддият, тўқнашув ҳаёт тараққиётини таъминловчи асос бўлгани сингари бадиий конфликт ҳам асарнинг қизиқарли бўлишининг етакчи воситасидир.
Композиция.	- латинча <i>compositio</i> сўз бўлиб, “тузилиш, қурилиш,

	таркиб” демакдир. Бадиий асар композициясига куйидагича таъриф-тавсиф бериш кенг тарқалган: “бадиий асар қисмлари, деталлари, бадиий тасвир воситаларининг маълум мақсад асосида муайян тартибда жойлаштирилиши”
Сюжет.	- французча <i>sujet</i> сўз бўлиб, “нарса, мазмун, мавзу” деган маънони билдиради. Асар мазмунини ташкил этадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқа, муносабатлар тизими
Фабула	- лотинча <i>fabula</i> сўз бўлиб, масал, ҳикоя қилиш демакдир. Бадиий асар фабуласи деганда асар учун асос бўлган ҳаётий материал назарда тутилади. “Фабула — асар воқеаларининг мантикий жихатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи” ҳам дейилади. Ўз маъно ва моҳиятига кўра бу икки термин бир-бирига синонимик характерга эга бўлиб, ҳозирги адабиётшуносликда сюжет термини фаол қўлланилади. Фабула термини эса аста-секин истеъмолдан тушиб қолмоқда”.
Экспозиция	- лотинча <i>expositio</i> сўз бўлиб, “тушунтириш” деган маънони англатади. Воқеалар кечган жой, даврнинг ижтимоий манзараси, қаҳрамонлар униб-ўсган муҳит шарт-шароити кабилар тасвири экспозиция деб юритилади. Экспозиция асарнинг исталган ўрнида бўлиши мумкин.
Тугун	- бадиий асарда қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши. Тугун, кўпинча, қаҳрамонларнинг илк бор учрашуви ёки бирор жиддий муаммо юзасидан тортишиши туфайли пайдо бўлади. Воқеалар тугуни фақат қаҳрамонлар ўртасида эмас,

	қахрамоннинг айнан ўзининг ўй-кечинмалари билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.
Воқеа ривож	- сюжетдаги воқеаларнинг маълум тугундан сўнгги ривожланиш жараёни. Тугун тўсатдан юзага келгандай бўлиши мумкин. Бироқ воқеа ривож узок давом этадиган жараён.
Перепетия	- сюжет воқеалари ривож давомида пайдо бўлган янги тугунлар ёки чигалликлар.
Воқеалар кульминацияси-	- асар сюжетидаги воқеаларнинг энг юқорига кўтарилиб, асосий қахрамонлар характери, қиёфасини кўрсатадиган эпизод.
Ечим	- сюжет воқеалари ва қахрамонлар тақдирининг ҳал бўлишини гавдалантирувчи эпизод
Муқаддима	- муаллиф ўқувчига ўз мақсад-муддаосини маълум қилиб, асари ҳақида тушунтириш, изоҳлар бериши.
Хотима	- қахрамонларнинг асар сюжети воқеалари тамом бўлгандан кейинги тақдири ҳақида маълумот берувчи қисми.
Портрет	- французча <i>portrait</i> сўз бўлиб, “тасвир” деган маънони билдиради. Бадиий асарда портрет қахрамон образини яратишга асос бўладиган омиллар орасида энг муҳимидир. Чунки ёзувчи воқеаларда иштирок этаётган, ўйлаётган, қанақадир мақсадлари бўлган қахрамон қиёфа, кўринишини албатта гавдалантиради. Қахрамон портрети унинг суратини кўрсатиш учунгина эмас, балки руҳий дунёсидаги ҳолат, ўзгаришларни англаш, тушуниш учун ҳам зарур восита бўлади.
Детал	- ижодкор эътиборни қаратган персонажлар кўриниши, қиёфаси хусусидаги мулоҳазалар уларнинг ташқи жиҳатлари ҳақидагина эмас, ички ҳолатлари тўғрисида

	<p>ҳам муайян тасаввур олиш имконини беради. Бу эса деталлар асосида ҳосил бўлади. Детал қаҳрамон портретини эмас, унинг феъл-атворини кўрсатишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Детал қаҳрамон характер-сажиясини ёрқинлаштиргани сингари, жой манзараларини аниқ гавдалантиришга ҳам асос бўлади.</p>
Лирик чекиниш	<p>- ижодкорнинг сюжет воқеаларини тўхтатиб, улар туфайли ўзида пайдо бўлган ички кечинмаларни баён этиши.</p>
Пейзаж	<p>- французча paysage сўз бўлиб, “мамлакат”, “жой” деган маънони билдиради. Пейзаж бадиий асарда акс эттирилган табиат манзаралари, воқеа-ходисалар кечган жойлар кўриниши тасвирдир. У қаҳрамонлар ҳолат, кайфиятини гавдалантиришнинг муайян воситаси ҳисобланади.</p>
Сайёр сюжет	<p>- бир хил мавзу, бир хил қаҳрамонлар тақдири нақл қилинган асарлар. Сайёр сюжет барча миллий адабиётлар тарихида мавжуд ходиса.</p>
Бадиий асар тили.	<p>- адабий тил меъёрларига таянадиган, умумхалқ тилига асосланган, ҳамма учун тушунарли ифодаларни қамраб олган, ижодкорлар томонидан жиловланган тил. Бадиий асар тили илмий асарлар тилидан тасвирийлик, эмоционаллик, образлилик, афоризм каби хусусиятлари билан фарқ қилади</p>
Диалог	<p>- юнонча dialogos сўз бўлиб, “икки киши ўртасидаги сўзлашув” деган маънони англатади</p>
Монолог	<p>- ҳам юнонча (monos — бир ва logos — сўз, нутқ) сўз бўлиб, у бадиий асарда иштирок этувчи персонажларнинг ўз-ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқи саналади</p>

Жаргон	- французча <i>jargon</i> сўз бўлиб, “бузилган тил” деган маънони билдиради. Бинобарин, жаргон сунъий, ясама тилдир. У муайян гуруҳ кишилари доирасидагина қўлланади. Жаргон сўзлар ҳам барча кишиларнинг нутқида ишлатиладиган сўз, иборалардан таркиб топган бўлади.
Метафора	- юнонча <i>metaphora</i> сўз бўлиб, “кўчириш” деган маънони англатади. У нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланган бўлади. Бироқ метафора айнан ўхшатиш эмас.
Метонимия	- икки тушунча ўртасидаги яқинликка асосланган ўхшашсиз кўчим. Метонимия юнонча <i>metonomadzo</i> сўз бўлиб, “қайта номлаш” дир.
Синекдоха	- юнонча <i>synekdoche</i> сўз бўлиб, унда бир қисм ёки бўлак орқали яхлит, бутун нарса билдирилади ва аксинча. Яъни, бир бутун ҳодиса орқали унинг айрим бўлаги ҳақида мулоҳаза юритилади.
Аллегория (мажоз)	- юнонча <i>allos</i> — бошқа, <i>ўзга</i> ва <i>agoreuo</i> — гапираман, демакдир. У эртак ва масалларда, айниқса, кенг қўлланади. Масалан, тулки қиёфасида айёр кишилар назарда тугилади. Чумоли меҳнаткаш, заҳматкаш одамлар тимсоли саналади. Аллегория фикрни пардалаб, сал яшириб ифода қилишнинг энг ўнғай шакли ҳисобланади
Жонлантириш	- кишиларга хос хусусиятларни жонсиз ва мавҳум нарса-ҳодисаларга кўчиришдир. Масалан, <i>хўмрайган булутлар</i> дейилади. Бунда кишиларга хос хўмрайиш жонсиз булутга кўчирилган бўлади. Асарларда тоғ-тош, шамол, дарахт, мевалар худди одамларга ўхшатиб гапиртирилади.

Сифатлаш	- нарса-ҳодисанинг бирор бир белги, хусусиятини аниқ-равшан алоҳида ажратиб кўрсатишдир. Сифатлаш икки хил бўлади. Биринчиси оддий сифатлаш бўлиб, унда нарса-ҳодисаларнинг ўткинчи белгилари таъкидланади. Иккинчиси, доимий сифатлаш бўлиб, бунда нарса-ҳодисаларнинг доимий хусусиятлари айтилади.
Ўхшатиш.	- нарса-буюмнинг маълум бир белгисини бошқа нарса-буюмга солиштиришдир. Ўхшатиш фикрни яққол ифодалаш имкониятини беради
Муболаға	нарс-ҳодисаларнинг хусусият, белгиларини кучайтириб, орттириб тасвирлашдир. Муболаға муайян нарса-ҳодисаларни бошқаларидан алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида қўлланади.
Интонация	- лотинча intonare сўз бўлиб, “қаттиқ талаффуз этиш” деган маънони билдиради. У сўзловчининг, асар муаллифининг ҳодисага муносабатини англатувчи ифода воситаси саналади. Бадиий асарда интонацияни турли тиниш белгилари, мисраларнинг жойлашиш тарзи билдириб туради.
Параллелизм кучайтирилади	- икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали мазмунни ёрқинлаштириш услуби саналади. Унда нарса-ҳодисалар бир-бири билан муқояса қилинади ёки зидлаштирилади. Ушбу йўл билан фикр аниқлаштирилади, унинг таъсирчанлиги
Такрор	- параллелизмга яқин тасвир усули ҳисобланади. Матнда у аниқ кўриниб туради. Чунки такрор айрим сўз, ибораларнинг маълум бир тартиб асосида қайта-қайта қўлланишидир. Такрор муайян мақсадга мувофиқ қўлланади. Такрорнинг анафора, эпифора, мисралар такрори сингари кўринишлари бор.

Анафора	- юнонча anaphor сўз бўлиб, “юқорига кўтарилиш” деган маънони билдиради. Бунда бир хил сўз ёки сўз бирикмаси шеър мисралари бошида айнан бир хил тарзда такрорланиб келади
Инверсия	- лотинча inversi сўз бўлиб, “ўрин алмаштириш” деган маънони билдиради. Бунда гап бўлаклари грамматика меъёрлари тартибидан фарқлироқ тарзда қўлланади. Инверсия таъкидланмоқчи бўлган фикрга мантикий урғу бериш, уни кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланади.
Антитеза	- фикр таъсирчанлигини ошириш мақсадида қўлланадиган ифода усуллариандир. У қарама-қарши фикрларни ифодалаш учун ишлатилади.
Риторик мурожаат	- тантанаворлик, кўтаринкилик ёки кесатиш, кучли ғазаб, нафратни ифодалаш учун қўлланадиган хитоб шаклидаги ифода усулидир.
Силлабик шеър тизими	- бўғинлар миқдорига асосланади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқ шеърляти, шунингдек, италян, поляк, француз, испан, румин халқлари шеърляти ҳам силлабик шеър тизимига мансубдир.
Метрик шеър тизими	- эса бўғинларнинг узун-қисқалигига, унлилар ҳолатига асосланади. Грек, лотин, араб шеърляти шундай хусусиятга эга.
Силлабо-тоник шеър тизими	- бўлса, урғули, урғусиз бўғинларнинг маълум тартибда келишига асосланади. Рус шеърляти шундайдир.
Тоник шеър тизими	- мисраларда урғусиз бўғин қанча бўлишидан қатъи назар, ритм ҳосил бўлиши, урғуларнинг бир маромда келишига асосланади

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

1. Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. –Т.:2012.
2. Вафо Файзуллоҳ. Чақмоқ ёруғи.- Т., “Muharrir”. 2012.
3. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М. 1998.
4. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. М. 1991
5. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведения. -Л. 1998.
6. Жўракулов У. Худудсиз жилва. –Т., “Фан”. 2006.

7. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур.-Т., “Академнашр” 2014.
8. Расулов А. Мустақиллик даври адабиётининг назарий-методологик асослари. Маънавият.-Т. 2012.
9. Рикёр П. Конфликт интерпретаций: Очерки о герменевтике. М., 1995.
10. Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси.(Ўқув қўлланма) –Т., “Muharrir”, 2011.
11. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1998
12. Норматов У. Устоз ибрати. –Т., Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.
13. Фрейд З. Психология бессознательного. -М.: Просвещение, 1998. -448 с.
14. Фромм Э. Душа человека. -М.: Республика, 1992. -430 с.
15. Турдимов Ш. Этнос ва эпос. -Тошкент. “Ўзбекистон”. 2012.
16. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., “Шарқ”. 2004.
17. “Ўзбек адабий танқиди”. Анталогия. -Т., “Turon-iqbol”. 2011.
18. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т., “Маънавият”. 2002.
19. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т., “Шарқ”. 2004.
20. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. -Т. “Академнашр”, 2010.
21. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т. “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти. 1994.
22. Ҳаққул И. Ижод иқлими. -Т., “Фан”. 2009.
23. Ҳожиаҳмедов. Шеърини санъатлари ва мумтоз қофия. “Шарқ”, -Т., 1998.
24. Улуғов А. Қалб қандили. “Академнашр”. 2013
25. Солижонов Й. Нутқ ва услуб.-Т. Чўлпон. 2002.
26. Қодиров П. Тил ва эл. –Т. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2005.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. www.tdpu.uz
5. www.pedagog.uz
6. www.nuuz.uz
7. www.bimm.uz
8. www.literature.uz
9. www.kutubxona.uz
10. [http:// www.dissert.ru/pedagog.html](http://www.dissert.ru/pedagog.html)
11. <http://www.istedod.uz/>
12. www.scopus.com